Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925 yildan chiqa boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOIY HARAKATINING GAZETASI

2002-yil 4 aprel, payshanba
№ 41-42 (14533)

ТЕРМИЗ – 2500 ЁШДА

Дунёда ёши минг йиллар билан ўлчанадиган шаҳарлар сони саноқли. Қадимий кентлари билан фахрланадиган, уларни бугунги авлодларга кўз-кўз қилиш бахтига муяссар халқлар ҳам кўп эмас. Бундай саодатга эришган халқлар жаҳон цивилизацияси ривожига тамал тошини қўйган, инсониятнинг илк тарихини яратган. Не бахтки, ўзбеклар ана шундай халқлар сирасига киради. Мамлакатимизда ёши неча минг йилларга тенг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз каби шаҳарлар талайгина.

2 апрель куни Термизда ушбу шаҳарнинг 2500 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тантаналарда иштирок этиш учун Термизга ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари шаҳарда кейинги йилларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги ҳамда ЮНЕСКО Бош конференцияси 30-сессиясининг мазкур шаҳарнинг 2500 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш ҳақидаги қарорлари ижросини таъминлаш жараёнида шаҳарда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бу ишлар "Алпомиш" достонининг 1000 йиллигини нишонлаш арафасида бошланган эзгу амалларнинг давоми бўлди.

Султон Саодат ёдгорлик мажмуи бутунлай қайта таъмирланди. Шўро замонида бу муқаддас зиёратгоҳ ташландиқ ҳолга келиб қолганди. Истиқлол шарофати ва Президентимизнинг ташаббуси билан неча минг йиллик қадриятларимиз, буюк аждодларимиз хотираси ва меросини тиклашга катта эътибор қаратилиши натижаси ўлароқ, Султон Саодат мажмуи ҳам обод зиёратгоҳга айланди.

Термиздаги меъморий обидалар орасида Қирқиз алоҳида ажралиб туради. Маълумотларга қараганда, бу ерда турли мамлакатлардан келган хотин-қизлар илму фан сирларини ўрганган. Бу эса мамлакатимизда аёлларнинг илм-фан бобида эркаклар билан ёнма-ён, баҳамжиҳат фаолият кўрсатганидан яна бир далолатдир.

Давлатимиз раҳбари ушбу обидалар, шунингдек, Ҳаким Термизий мақбарасини зиёрат қилар экан, бундай ёдгорликлар бизга ўтмиши ёруғ ва келажаги буюк халқ эканимизни эслатиб туриши билан бирга, янги-янги бунёдкорлик ишларига чорловчи ўзига хос бебаҳо маънавий мерос эканини таъкидлади.

Термиз Буюк ипак йўлининг муҳим чорраҳаси ҳисобланган. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиб, халқаро интеграция жараёнлари кучайиб бораётгани қадим шаҳарнинг бу мавқеи қайта тикланишига муҳим омил бўлмоқда. Мазкур жараёнда Термиз темир йўлининг аҳамияти янада ортаётир. Янги темир йўл вокзалининг фойдаланишга топширилиши шаҳарнинг 2500 йиллик тўйига муносиб тўёна бўлди. Воҳанинг ўзига хос иқлим шароитини ҳисобга олиб бунёд этилган ушбу иншоот замонавий техника воситалари билан жиҳозланган.

Президентимиз шаҳарнинг 2500 йиллик тўйи муносабати билан барпо этилган Археология музейини ҳам бориб кўрди.

Эътиборли томони шундаки, мазкур музей собиқ иттифоқ худудида ягона ҳисобланади. Музей биносини Шарқ ва замонавий меъморликнинг ўзаро уйғунлиги тимсоли дейиш мумкин. Музейга Сурхон заминидан топилган ноёб археологик топилмалар қўйилган. Бу ердаги минглаб экспонатлар ўлкамизнинг қадимий маданияти, Термизнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётида тутган нуфузли ўрнидан сўзлайди. Қадимий Кушонлар шаҳзодаси, жангчилар ҳайкаллари, шунингдек, Фаёзтепадан топилган ванна дунёнинг манаман деган машҳур музейлари ҳавасини келтириши шубҳасиз. Музейдаги буддавийлик даврига оид топилмалар бу дин Хитой ва Япония каби мамлакатларга ҳам худди шу заминдан борганидан далолат беради.

Шаҳар юбилейига бағишланган тантанали маросим ўтадиган "Алпомиш" стадиони байрамона безатилган. Ундан мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан ташриф буюрган меҳмонлар, хорижлик олимлар, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари жой олган.

Президент Ислом Каримов байрам ўтадиган майдонга кириб келди. Йиғилганлар давлатимиз раҳбарини давомли қарсаклар билан кутиб олди.

Юбилейга бағишланган маросимни Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Қодиров очди.

Маросимда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Ўзбекистон заминининг қайси ҳудудига мурожаат қилмайлик,- деди давлатимиз раҳбари, - минг-минг йиллар қаъридаги илк ҳаёт нишоналарини, энг қадимий маданият ва санъат намуналарини ҳар қадамда топиш, шу орқали бу ерларда қандай буюк цивилизация мавжуд бўлганини кўришимиз муқаррар.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганидек, Термиз ҳам инсониятнинг ана шундай энг қадимий шаҳаларидан биридир. Аммо фақат халқимиз истиқлолга эришганидан кейингина бу заминнинг ҳақиқий тарихини очиб бериш, тиклаш ва ўрганиш масаласига кенг йўл очилди.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида фидокорона меҳнат қилаётган бугунги Сурхондарё аҳлининг яратувчилик ишларига юксак баҳо берди. Шаҳар юбилейи муносабати билан амалга оширилган бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этганларнинг барчасига миннатдорлик билдирди.

Маросимда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейн, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Термиздаги 2-ўрта мактаб ўқувчиси Манзура Холмирзаева, миллий кураш бўйича жаҳон чемпиони Тоштемир Муҳаммадиев, жарқўрғонлик меҳнат фахрийси Рўзи Алиқулов сўзга чиқди.

Маросим театрлашган байрам томошаси билан якунланди.

Анвар КАРИМОВ,
Чори ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбирлари

ЖАЙҲУН СОҲИЛИДАГИ БОҚИЙ ШАҲАР

Президент Ислом Каримовнинг Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун сиз азизлар билан халқимиз ҳаётидаги яна бир унутилмас воқеа - қадимий Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйи муносабати билан шу қутлуғ заминда дийдор кўришиб турганимдан беҳад бахтиёрман.

Гўзал юртимизда баҳор нафаси кезиб юрган мана шундай ёруғ ва файзли кунларда ушбу тантанали маросимга узоқ-яқиндан ташриф буюрган юртдошларимизни, муҳтарам меҳмонларимизни, бағрикенг Сурхон аҳлини, барчабарчангизни шу тарихий сана билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бугунги тантанада иштирок этаётган ЮНЕСКО халқаро ташкилоти ҳамда дипломатик корпус намояндаларига, хорижий мамлакатларнинг олимлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакилларига ўз номимдан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Азиз дўстлар!

Бугун биз яшаётган Ўзбекистон тупроғи дунёдаги энг кўҳна ва бетакрор масканлардан биридир. Бу ҳақиқатни кўп-кўп мисоллар, тарихий ва илмий далиллар асосида исботлаб бериш мумкин.

Ўзбекистон заминининг қайси ҳудудига мурожаат қилмайлик, минг-минг йиллар қаъридаги илк ҳаёт нишоналарини, энг қадимий маданият ва санъат намуналарини ҳар қадамда топиш, шу орқали бу ерларда қандай буюк цивилизация мавжуд бўлганини кўришимиз муқаррар.

Бу ҳақда гапирганда, биз Фарғона водийсидаги Селунгур, Тошкент воҳасидаги Кўлбулоқ, Қашқадарёдаги Узунқир каби дастлабки одамзот манзилгоҳларини, Самарқанддаги Афросиёб, Хоразм заминида яратилган нодир "Авесто" китоби, Бухородаги зардуштийлик ибодатхоналари сингари кўплаб ёдгорликларни назарда тутамиз.

Мухтасар қилиб айтганда, мана шу мўътабар юртимиздаги ер ости хазиналаридан, асрлар давомида сукутга чўмиб ётган шаҳристонлардан топилган археологик ашёлар, ноёб тасвирлар ва ҳали очилмаган, ўз сирларини пинҳон сақлаб келаётган чўлу биёбонлар, ҳеч шубҳасиз, бугун биз яшаётган тупроқда қадим-қадим замонлардан бошлаб буюк маданият ва санъат ривожланганини тасдиқлайди.

Шу маънода, улуғ аждодларимизнинг умумжаҳон ва умумбашарият тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини ҳозирги кунда дунёда ҳеч ким инкор қилолмайди. Бундай хулосани юзлаб бебаҳо топилмалар, осори атиқалар ва буюмлар исботлаб беради.

Лекин, афсуски, инсоният бошидан кечган давр тўфонлари, уруш-қирғинлар, табиий офатлар оқибатида бу беқиёс тарихий маданият тасвирларининг мингдан бир қисмигина бизга қадар етиб келган, десак, асло муболаға бўлмайди.

Агар ўша - энг қадимий даврларга мансуб ёдгорликларимизни, сўнгги икки аср мобайнида олиб борилган археологик қазишлар натижасида топилган ноёб олтин ва кумуш буюмлар, бебаҳо осори атиқаларимизни - барча нодир бойликларимизни бошқа давлатлар каби мисқоллаб, асраб-авайлаб сақлаб келиб, бу экспонатлар бир жойга йиғилса, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, дунёда тенги йўқ музей вужудга келган бўлур эди.

Бугун биз ЮНЕСКО халқаро ташкилоти қарорига биноан Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйини ўтказар эканмиз, Ватанимизнинг жанубий сарҳадларидан топилган мана шундай далиллар асосида Сурхон воҳасида яшаган одамларнинг қандай буюк, улуғ тарихни бошидан кечиргани, керак бўлса, қандай бетакрор маданиятга эга бўлганини катта ғурур ва ифтихор билан таъкидлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, бу кўҳна ўлкадаги Тешиктош ва Зараутсой, Жарқўтон ва Сополлитепа, Холчаён ва Далварзинтепа каби ўнлаб манзиллардан топилган ибтидоий одам маконлари, қадимий ёдгорликлар, антик санъат асарлари шундан далолат беради.

Ҳақиқатан ҳам, мана шу бепоён ҳудудларда, азим Жайхун бўйларида милоддан аввал ва унинг илк даврларидаёқ Бақтрия ва Кушон каби улкан давлатларнинг мавжуд бўлганини ўзимизга тасаввур этганда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР САФЛАРИДАН ЗАҲИРАГА БЎШАТИШ ҲАМДА ФУҚАРОЛАРНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида" ва "Муқобил хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан заҳирага бўшатилсин.

2. 1975-1984 йилларда туғилган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2002 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қуролли Кучларни чақирилувчилар билан сифатли бутлаш мақсадида жойлардаги чақириш комиссияларининг ҳар томонлама таъминланишини ва самарали ишлашини ташкил этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров) Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғуломов) билан биргаликда чақириш участкаларини зарур тиббиёт асбоб-анжомлари ва буюмлари билан таъминласин, чақирилувчиларнинг лаборатория текширувлари сифатли ўтказилишини ва уларнинг турли ихтисосликдаги юқори малакали врачлар томонидан ҳар томонлама тиббий текшириб кўрилишини ташкил этсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

ҲАРАКАТ ФАОЛИЯТИДАН

* * *

Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Республика Телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ўтказилаётган "Қувноқлар ва зукколар" кўрик-танловининг ярим финал босқичи Гулистонда бўлиб ўтди.

Кўрик-танловда Навоий вилояти Педагогика институтининг "Истиқлол юлдузлари", Урганч Давлат университетининг "Бўйдоқ-жалар", Гулистон Давлат университетининг "Болар" жамоалари ғолиблик учун куч синашди.

Таништирув, савол-жавоб, ҳангома шартлари асосида жамоаларнинг чиқишлари ҳаётийлиги билан барчага манзур бўлди.

Бўлиб ўтган ушбу кўрик-танловда Гулистон Давлат университетининг "Божалар" жамоаси финал босқичига йўлланма олди.

Кўрик-танлов сўнгида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирдарё вилояти Кенгаши раиси Фарҳод Исмоилов ҳар бир жамоага вилоят Кенгашининг эсдалик совғаларини топширди ва уларни республика "Қувноқлар ва зукколар" ассоциациясининг вице-президенти Д. Алимов қизғин қутлади.

Э. ТОШТЕМИРОВ

КЕКСА ТЕРМИЗ ЁШАРДИ

Таваллуд айёми бутун дунёнинг айёмига айланган, юртимизнинг сўлим гўшаси бўлмиш Термиз шаҳри, айтиш мумкинки, қадим шуҳратини тиклади. Савдо-сотиқ ва маданий алоқалар учун қулай минтақада жойлашган бу шаҳар қадимдан, яъни ахмонийлар, салавкийлар, юнонлардан тортиб, қорахонийлар, мўғуллар, темурийлар даврида ҳам маданият марказларидан бири бўлган. Қадимшунос олимлар Далварзинтепа, Фаёзтепа, Сополлитепа, Қоратепа ёдгорликларини ўрганиб, эътироф этган бу фикрни ёзма манбаларимиз ҳам исботлайди. Жумладан, ўрта асрларда яшаган ибн Баттутанинг "Саёҳатнома" асарида Термизга шундай таъриф берилади: "Бу— чиройли иморатлари ва бозорлари кўп бўлган йирик шаҳардир. Уни бошдан оёқ анҳорлар кесиб ўтади, боғлари ҳам жуда кўп".

Бир неча аср муқаддам келтирилган бу таъриф Термизнинг 2500 йиллиги нишонланаётган бугунги кунда ҳам унга муносиб. Чунки юбилей муносабати билан шаҳарда катта ўзгаришлар бўлди. Тарихий ёдгорликларимиз— Султон Саодат, Кокилдор ота, Қирқиз, Жарқўрғон минораси мажмуалари қайта таъмирланди. Марказий Осиёда ягона Археология музейи, муҳташам тадбиркорлар уйи ва темир йўл бекати, "Алпомиш" боғидаги амфитеатр, боғлар, хиёбонлар, дам олиш масканлари, хуллас, Термизнинг тўйига тортиқ қилинган ушбу муносиб армуғонлар термизликларни янги замонавий ҳаётга чорлади.

Воҳада яшаб ўтган Термизий алломаларимиз руҳи ҳам шод бўлди. Улар ҳақида асарлар, фильмлар яратилди. Шаҳарнинг кечаси ва бугуни акс эттирилган "Термиз" номли китоб ўзбек, рус, инглиз тилларида нашрдан чиқарилди. Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари ўқилди, ўрганилди, тадбиқ этилди. Нуроний Термиз икки баравар ёшарди, умри икки баравар ўсди.

"Шаҳарлар аждод ва авлодлар тақдирларини бир-бири билан туташтириб турувчи халқадир, даврларнинг, асрларнинг, давлатларнинг, халқларнинг тақдирларини, қиёфасини, армонлари ва орзу-умидларини ўзида акс эттириб тургувчи ўзига хос қомус, китобдир", деб ёзади касбдошларимиздан бири.

Шундай экан, Термизнинг янгиланиши бугунимиз тарихга айланган эртанги кунларда ўз кўрки билан авлодларимиз дилига фахр беради.

Ойдин ЙЎЛДОШЕВА

ЧИҚИНДИДАН НИМА ЧИҚАДИ?

Ўйлаб қарасангиз, табиатдаги ҳар бир нарса инсон эҳтиёжлари учун хизмат қилишига амин бўласиз. Одам сувсиз, ҳавосиз яшай олмагани каби, у ўз қўли билан яратган ва азалдан бино бўлган нарсаларни ҳам ўзи учун бўйсундиришга ҳаракат қилади.

Лекин борлиқдаги ҳар бир ноз-неъмат ҳам абадий эмаслигини ҳамма вақт ҳис этавермаймиз. Кўпинча уларга ўта кетган "сахийлик" билан муносабатда бўламиз. Бу эса натижада исроф-гарчиликка олиб келади.

Қай бир куни телевизорда кўрсатишди. Бир ногирон аёл балиқ суякларидан ажойиб гуллар ясаркан. Уйи тўла шундай мўъжизалар. Турли шаклдаги чинни идишларга балиқ суяклари шундай маҳорат билан чизилганини кўриб кўзингиз яшнайди. Инсон чиқиндилар, кераксиз деб топилган нарсалардан ҳам шундай ажойиб нарсалар яратса бўлар экан-ку, деб ҳурсанд бўласиз.

Ёки оддий писта, бодом, ёнғоқ пўчоқларидан маҳорат билан ясаладиган турли ўйинчоқларни айтмайсизми. Улар ҳам кундалик чиқиндиларимиздан пайдо бўлган. Сизу биз кераксиз деб топган нарсалардан тузилган.

Юқоридаги каби гўзал асарларни, жонз бўлса санъат асарларини яратиш ҳар биримизнинг қўлимиздан келади. Бундай, инсон қўли билан яратилган мўъжизалар кўргазмаларини ташкил қилиш, ёшларга, томошабинларга ибрат қилиб кўрсатиш керак, албатта.

Қўлимиздан бундай мўъжизаларни яратиш келмаса ҳам ларни исроф қилмасликка эришсак бўлади, менимча.

Яқинда қишлоқдошларимиздан бири "уй-музей"ига етаклаб қолди. Кўриб лол қолдим. У сомондан, похолдан шундай ажойиб, бир-бирини такрорламайдиган суратлар, шакллар яратибдики, буни ҳақиқий санъат деб аташ мумкин.

Мактабда ўқиб юрган кезларимда темиртерсак йиғиш, қоғоз йиғиб топшириш тадбирлари кўп ўтказиларди. Ҳатто ўрик, шафтоли данакларини ҳам йиғиб топширганимиз эсимда. Уйда эса онам ўрик данакларини йиғдириб қўярдилар. Ундан "шўр данак" тайёрлардик.

Кўча-кўйда уюлиб турган ахлатлар, улардаги турли буюмларни кўриб, ачиниб кетаман. Ахир, бу буюмлар бир марталик эмас-ку. Улардан яна ҳам гўзал нарсалар яратса бўлади. Балки, шундагина ахлату чиқиндилар исроф қилинмай инсон манфаатлари учун хизмат қилади.

Хуршидбек РЎЗИЕВ

AMOLOT»hududi

ЁШЛАР ЁДИДАН ЎЧМАС

СПИД ва гиёҳвандликка қарши кураш дунёнинг барча мамлакатларида глобал муаммога айланган. Шу боис ёшларни бу иллатлардан бари сақлаш асосий вазифалардан бири саналади.

Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамда БМТ болалар жамғармасининг Ўзбекистондаги вакиллари билан ҳамкорликда СПИД ва гиёҳвандликка қарши кураш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Унинг асосий мақсади — ёшлар орасида бу иллатларнинг олдини олиш бўлиб ҳисобланади. Лойиҳа дастурига мувофиқ 25-27 март кунлари Нукусда СПИД ва гиёҳвандлик, уларнинг олдини олиш ишлари ҳақида маълумот тарқатишда фаол қатнашувчи волонтерлар учун уч кунлик семинар-тренинг ўтказилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва Қорақалпоғистон Республикаси ёшларининг вакиллари иштирокида айланма стол атрофида суҳбат ташкиллаштирилди. Суҳбат давомида бу иллатга қарши курашиш муаммолари хусусида батафсил фикрлашиб олинди.

Шунингдек, шу куни болалар ўртасида юқоридаги мавзуга боғлиқ асфальтга расм чизиш бўйича кўрик-танлов ҳам ўтказилди.

Ушбу лойиҳанинг якунловчи босқичи Нукус шаҳридаги амфитеатрда ўтказилган катта акция тантанаси бўлди. Унда концерт дастури тақдиқиллаштирилди. Тадбирга Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан республиканинг барча шаҳар ва туманларидан 5500 дан ортиқ ёшлар жалб қилинди.

Амфитеатрдаги катта акция дастурини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари К. Исмаилов кириш сўзи билан очиб, ўтказилаётган акциянинг аҳамияти ҳақида кенг тўхталди. Шундан сўнг сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Б. Убайдуллаев. БМТ Болалар жамғармасининг Ўзбекистондаги элчихонаси вакили Ш. Рахимжонов бундай бизга ёт иллатларга қарши шафқатсиз курашиш лозимлигини таъкидладилар.

—Бугунги акцияни қўшиқчиларимизнинг оддий гастроли

деб тушунмаслик керак, — деди Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев. Биз бундай тадбирларни ёшларимизни мажлислар залига, клубларга йиғиб, соатлаб лекция ўқиш билан ҳам ўтказишимиз мумкин эди. Лекин уларнинг таъсирчанлиги бугунгидай бўлмас эди. Бундай акция Ўзбекистонда биринчи марта Нукус шаҳрида ўтказилянти.

Юртимиз ёшлари сардори таъкидлаганидек ҳақиқатдан ҳам бу акцияни концерт дастури билан қўшиб ўтказиш икки томонлама фойдали бўлиб ҳисобланади. Қўшиқчиларнинг чиқишлари орасида олиб борувчиларнинг саҳнага чиқиб, СПИД ва гиёҳвандликнинг келиб чиқиши, уларнинг зарарли оқибатлари ҳақида маълумотлар бериб борилиши ёшларимизнинг бу иллатларга бўлган ғазабини янада кучайтириши турган гап.

Иккиланмай айтиш мумкинки бу оқшом қорақалпоғистонлик ёшлар хотирасида узоқ сақланадиган бўлди. Чунки акцияга нафақат қорақалпоқ юлдузлари, балки Ўзбекистон эстрада юлдузлари — Севара Назархон ва Рустам Маҳмудовлар ўзларининг жозибали қўйқўшиқлари билан янада файз бағишладилар.

Шунингдек, 28 март куни Қорақалпоқ Давлат университетида "СПИД ва гиёҳвандликка қарши курашиш" маркази тантанали очилди. Унда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев ҳам иштирок этиб, Марказнинг ташкил этилишидан кўзда тутилган жиҳатлар ҳақида бир қатор фикрлар айтди. Шунингдек, Марказнинг очилиш тантанасида БМТ болалар жамғармасининг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари ҳамда Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси Элбой Бегманов қатнашди. Бу марказнинг раиси этиб "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қорақалпоқ Давлат университети бошланғич ташкилоти етакчиси Улуғбек Асанов сайланди.

"СПИД ва гиёҳвандликка қарши курашиш" акциясини ташкиллаштиришда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ва Нукус шаҳар Кенгаши ўзларининг катта хиссаларини қўшдилар

Пўлат МИРЗАКУЛОВ

ЖАЙҲУН СОҲИЛИДАГИ БОҚИЙ ШАҲАР

Президент Ислом Каримовнинг Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳақиқатан ҳам, азалдан Мағрибу Машриқни ўзаро боғлаб келган, қадим савдо карвонлари ўтадиган Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу тупроқда неча минг йиллар мобайнида турли дин ва маданиятлар - зардуштийлик ва буддавийлик, насронийлик ва мусулмонлик анъаналари ёнма-ён яшаб келганини ҳисобга олсак, бу заминнинг тарихи нақадар кўҳна эканига иқрор бўламиз.

Ҳатто, бир замонлар Термиз шаҳри буддавийлик марказларидан бири бўлгани, бу таълимот Хитой ва Японияга айни шу ердан тарқалгани ҳақида илмий қарашларнинг мавжудлиги ҳам бежиз эмас.

Бугунги қутлуғ сана муносабати билан бунёд этилган, собиқ иттифоқ ҳудудида ягона бўлган муҳташам Археология музейидаги кўплаб тарихий ашёлар, меъморлик ва ҳайкалтарошлик санъати намуналари, деворий расмлар, уйрўзғор буюмлари, турли-туман тақинчоқлар ҳам ана шу ҳақиқатнинг тарихий тасдиғи бўла олади.

Азиз дўстлар, биродарлар, шу ўринда эътиборингизни бир масалага қаратмоқчиман.

Яъни, бу қадимий воҳанинг, Термиз шаҳрининг кўҳна ва беқиёс кечмишини исботлаб, тасвир қилиб берадиган далилларни кўрганда, одамда беихтиёр шундай савол туғилади: нега шунчалик узоқ тарихга эга бўлган бу шаҳарнинг юбилейи шўро замонида бирон марта ҳам нишонланмаган?

Бунинг сабаби битта: у ҳам бўлса, мустабид тузум даврида ҳукм сурган, бизнинг бой тарихимизни тан олмаслик, менсимаслик, уни шу тарихнинг ҳақиқий эгаларидан яширишга бўлган уринишлардир.

Бир сўз билан айтганда, бу ҳолни тарихий адолатсизлик, асрлар давомида бизнинг халқимиз, миллий маданиятимизга нисбатан олиб борилган ғаразли сиёсатнинг натижаси, деб баҳолаш лозим.

Бунга яна бир сабаб шуки, жанубий чегараларда жойлашган Термиз шаҳрига, аввалари Россия, кейинчалик эса СССР империясининг олис ва чекка бир ҳудуди деб, бу ерда қандай маданият, қандай тараққиёт излари бўлиши мумкин, деб беписанд қараб келинди.

Фақат биз озодлик ва эркинликка эришгандан кейингина Сурхоннинг ҳақиқий тарихини очиб бериш, тиклаш ва ўрганиш масаласига том маънода катта эътибор қаратилди.

Ҳар қарич тупроғи қанча сир-синоатга, бетимсол бойликларга эга бўлган бу заминнинг нафақат юртимиз тарихига, балки дунё цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссасини ёритиб бериш мақсадида олиб борилаётган улкан ишларни эндиликда бутун жаҳон аҳли тан олмоқда.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, асрлар қаърида кўмилиб ётган ана шу ҳақиқатни юзага чиқарган, Термиз шаҳри, бутун Сурхон воҳасининг тарихини акс эттирадиган осори атиқалар ва ёдгорликларни излаб топиш, уларни ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон бўйлаб тарғиб этиш борасида сидқидилдан меҳнат қилган заҳматкаш олимларимизга, Япония, Германия, Франция, Россия каби мамлакатлардан келиб, бу ерда тадқиқот ишлари олиб бораётган археологларга, уларни қўллаб-қувватлаган ташкилотларга, аввало, ЮНЕСКО ҳалқаро ташкилотига ўзимизнинг чуқур миннатдорлигимизни билдирамиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Термиз деганда, аввало, унинг шонли воқеаларга бой кечмиши, қаҳрамонлик тарихи кўз ўнгимизга келади.

Неча асрлар мобайнида Термиз ҳарбий-мудофаа қалъаси бўлиб, ғоятда масъулиятли бир вазифани ўтаб келгани барчамизга аён. Юртимизга жануб томондан кимки бостириб келмасин - Доро ёки Македонский бўладими, Чингизхон ёки араб истилочилари бўладими - Термиз қалъаси ҳамиша ёв йўлига қалқон бўлган, душманга қарши мардона курашган.

"Авесто"да "байроғи - туғи баланд эрлар юрти" деб таърифланган Сурхон воҳаси, бу қалъа шаҳар ўзининг кўп минг йиллик тарихи давомида кимларни кўрмаган, қандай синов ва тўфонларни бошдан кечирмаган?

Унинг босқину истилолар туфайли неча бор вайронага айланиб, култепалар узра неча бор қайта тиклангани тарихдан маълум.

Лекин, қатъий ишонч билан айтиш лозимки, шу ерни муқаддас макон деб, она юрт деб билган мард ва жасур аждодларимиз ёвларга ҳеч қачон бўйин эгмаган.

Шу маънода, "Алпомиш"дек қаҳрамонлик достонининг айнан шу ерда яратилгани ҳам асло тасодиф эмас.

Ана шу курашлар, жангу жадаллар натижасида бу шаҳарнинг номи неча бор ўзгаргани, ҳатто бир замонлар у босқинчи ҳукмдорлар номи билан аталганини ҳам яхши биламиз.

Афсуски, "Термиз" сўзининг лугавий маъноси ва келиб чиқиши ҳали-ҳанузгача номаълум бўлиб келмоқда. Лекин, бу хусусда турли фикр ва қарашлар мавжудлигини ҳам айтиб ўтишимиз керак.

Қадимий ёдгорлигимиз "Авесто"да у "Тармида" деб аталса, араб манбаларида "Тармиз", яъни "дарё бўйидаги шаҳар" маъносини англатади.

Буюк шоир Абулқосим Фирдавсий эса ўнинчи асрда шаҳарни унинг бугунги номига яқин шаклда - "Тирмиз" деб тилга олади.

Аммо, бизнинг фахру ғуруримиз боиси шундаки, қандай ном билан аталган бўлмасин, қандай босқин ва офатларга дуч келмасин, Термиз элининг, Сурхон халқининг ўзлиги, иймон-эътиқоди, ирода ва матонати, энг муҳими, ўз юртига садоқати асло ўзгармади.

Буюк муаррих Шарафиддин Али Яздий ўзининг машҳур "Зафарнома" асарида Термиз аҳолисининг мўғул босқинчиларига қарши фидокорона курашини тасвирлар экан, бу шаҳарни "Мадинат ур-ржол", яъни "Мардлар шаҳри" деб атаганида ҳам теран маъно мужассам.

Такрор айтаман, тарихнинг ўзи Термиз шаҳри, унинг қаҳрамон халқи зиммасига асрлар давомида юртимиз тинчлиги ва озодлиги йўлида метин қалъа-қўрғон бўлишдек оғир ва масъулиятли вазифани юклаган.

Бугун биз ифтихор билан эътироф этамизки, Термиз шаҳри бу муқаддас вазифани ҳамиша ва ҳозирги мураккаб, таҳликали даврда ҳам шараф билан адо этиб келмоқда.

Муҳтарам дўстлар!

Жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлган бу шавкатли шаҳарни етти иқлимга маълуму машҳур этган унинг шонли тарихи, қадим-қадимдан шакланиб келаётган бой маданияти, беқиёс обидалари, десак, хато бўлмайди, албатта.

Лекин Термизни Термиз қилган, унинг шуҳратини олам узра зиёда этган, бу воҳанинг ҳар қарич тупроғини олтинга айлантирган - мана шу юртнинг мард ва танти, олижаноб одамларидир.

Бу қадимий диёрда яшаб ўтган беназир аллома Ҳаким Термизий, ислом дунёсида олти буюк муҳаддисдан бири сифатида тан олинган Имом Исо Термизий, мумтоз шоир Собир Термизий, муаррих Самандар Термизий каби ўнлаб улуғ аждодларимиз, азиз-авлиёларимизнинг мўътабар номларини халқимиз ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади.

Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг айнан мана шу Термиз атрофида ўзининг пири бузруквори Саййид Барака ҳазратларидан ҳокимият рамзи бўлган байроқ ва жанговар ноғорани қабул қилиб олгани ҳам бу тупроқнинг нечоғли хосиятли эканини кўрсатиб турибди.

Бугунги кунда ҳам шу табаррук тупроқни улуғлаб, қуёш жазирамаси, гармсел шамолларига бардош бериб, қийинчиликларни енгиб меҳнат қилаётган, Ватанимизнинг жанубий сарҳадларида афғон можароси туфайли йигирма йиллан зиёд давом этган нотинч ва таҳликали вазиятда ҳам мардлик ва матонатини намоён этиб, том маънода шу юртнинг фидоийси бўлиб яшаётган Сурхон эли, Сурхон халқига ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди.

Азиз юртдошлар!

Бу воҳа тупроғи, Сурхон ери наинки қадимий, айни пайтда ғоят унумли, серҳосил ва баракали эканида ҳам ўзига хос ҳикмат бор.

Мен бу заминнинг хосиятларини илгари ҳам кўп марта айтганман, лекин бугунги тантанада яна бир бор бу ҳақда тўхталиб ўтсак, ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Бу ерда кўп-кўп қишлоқ хўжалик экинларини - пахтадан тортиб субтропик меваларгача, ғалладан тортиб сабзавот ва полиз маҳсулотларигача - барча-барчасини ўстириш мумкин.

Айниқса, бу заминнинг сўлим табиати, Вахшивор ва Боботоғ, Сангардак ва Хонжизза, Бойсун ва Олтинсойнинг фусункор манзаралари ҳар қандай одамни мафтун этади.

Ёки Сурхон воҳасининг бағрига жо бўлган ноёб табиий бойликларни, равон йўллар, алоқа тармоқлари, мухтасар айтганда, самарали ишлаш учун асос бўладиган шарт-шароит ва имкониятларни олайлик.

Энди ўзингиз айтинг, азиз биродарлар, бу воҳада шундай бой тарих, шундай унумдор ер бўлса, шундай гўзал ва бетакрор табиат, шундай меҳнаткаш, мард ва олижаноб халқ бўлса, бу юртнинг келажаги буюк бўлмаслиги мумкинми? Бу ерда одамлар бахтли, эркин ва фаровон яшамаслиги мумкинми?

Ишончим комилки, бутун халқимиз қатори Сурхон эли ҳам ана шундай ҳаётга ниҳоятда муносиб ва шундай турмуш даражасига албатта эришади.

Бунга ишонч билдириш учун барча асосларимиз бор.

Бу асослардан бири шундан иборатки, бутун юртимиз каби Термиз шаҳрига ҳам Оллоҳнинг назари тушган, уни доимо ўз паноҳида сақлаб, ёмон кўзлардан, бало-қазолардан ўзи асраб келади.

Бу ерга мусулмон дунёсининг улуғ алломалари ва пири бузрукворларимизнинг муборак пойқадамлари теккан ва уларнинг барчамиз учун табаррук хоклари шу тупроққа кўмилган.

Яна бир асос шундан иборатки, бу заминда яшаётган барча инсонларнинг ўз юрти, ўз элига бўлган меҳр-муҳаббати, садоқати чексиз ва мустаҳкам.

Бугун биз янги жамият қуриш йўлида қандай жараёнларни бошимиздан кечираётган бўлсак, қандай қийинчилик, ғов-тўсиқларни енгиб, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга етиш, буюк келажагимизни қуриш учун қандай меҳнат қилаётган бўлсак, бу ишлар замирида Сурхон аҳлининг ҳам ғайрат ва шижоати, мардлик-матонати, фидоийлиги мужассам экани шубҳасиз.

Ҳурматли дўстлар!

Биз бугун шоду хуррамлик билан нишонлаётган Термиз шаҳрининг муборак тўйи, аввламбор, тарихимиз ва буюк аждодларимиз хотирасига нисбатан қалбларимиздаги ҳурмат ва эҳтиром туйғусининг яна бир бор намоён бўлиши билан ибратлидир.

Бундай тантана, бундай маросимлар юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, айниқса, унибўсиб келаётган ёшларимизни бой маданий меросимизни қадрлаш, асраб-авайлашга, бу бебаҳо бойлик билан чин юракдан ифтихор қилишга ўргатади.

Энг муҳими, бизларнинг қандай қадимий тарих, қандай ўлмас маданиятга эга эканимизни, кимларнинг авлодлари, қандай улуғ зотларнинг ворислари эканимизни англашга даъват этади.

Мана шу унутилмас лаҳзаларда, шу майдонда туриб атрофимизга, Термизнинг бугунги гўзал қиёфасига бир назар ташлайлик.

Бу қадимий шаҳарда кейинги йилларда барпо этилган муҳташам бинолар, янги уй-жойлар, замонавий лицей ва коллежлар, спорт иншоотлари, обод ва равон йўллар, сўлим боғ-роғлар, кўркам фавворалар - буларнинг барчаси бунёдкор элимизга хос юксак фазилатларнинг, мустақиллик бизга берган чексиз имкониятларнинг амалий намоёни эмасми?

Айниқса, мана шу улуғ тўй шарофати билан кўҳна Термизнинг ҳар томонлама яшнаб-яшариб, навқирон бир шаҳарга айланиб кетганини кўриб қувонмайдиган одам борми?

Ишончим комилки, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Султон Саодат, Қирққиз ёдгорлик мажмуаларининг тубдан қайта таъмирлангани, Темир йўл бекати, Биржа маркази, Археология музейи, амфитеатр, янги стадионлар ва сузиш ҳавзалари, бошқа ўнлаб иншоотлар нафақат Термиз шаҳри, балки бутун Сурхон воҳасининг чиройига чирой қўшиб турибди, десам, бу фикрни сизлар ҳам қўллаб-қувватлайсизлар.

Мен, фурсатдан фойдаланиб, мана шу савобли ишларни амалга оширган моҳир қурувчи ва усталаримизга, муҳандис ва меъморларга, Термизнинг обод бўлишига ўз ҳиссасини қўшган барча инсонларга чин қалбимдан ташаккур билдираман.

Қадрли дўстларим, ватандошларим!

Сўзимнинг охирида илгари ҳам айтган бир гапимни такрорламоқчиман: мен гўзал Сурхон воҳасини, унинг кўркам боғлари, баланд тоғларини, яшил арчазорлари, бепоён дашту далаларини, шу заминда яшаётган азиз юртдошларимни, бутун Сурхон аҳлини яхши кўраман, сизларга ўзимнинг энг эзгу туйғуларимни изҳор этишдан ҳамиша бахтиёрман.

Мардлар, баҳодирлар ва полвонлар диёри бўлган бу табаррук тупроқдан ҳеч қачон файзу барака аримасин.

Ўтмиши шарафли, келажаги буюк Термиз дунё тургунча турсин.

ШУ КУННИНГ МАВЗУСИ

ИНТИЛИШ, ИЗЛАНИШ, ИШОНЧ БЎЛСА

ҳар қандай муаммони бартараф этиш мумкин

Бироқ, мавжуд вазиятга кўникма ҳосил қилиб, бундан ортиқ имконият йўқ, деб яшаш эса янги муаммоларни келтириб чиқаришига шубҳа йўқ. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида вужудга келган сув танқислиги ва ер шўрланиши муаммолари билан танишган киши борки, ўз-ўзидан юқоридаги хулосага келиши шубҳасиз.

Ахир, халқимиз ҳам бежизга айтмайди-да "Тежамасанг тоғ чидамайди" деб. Асрлар давомида аждод-авлодларимизга бойлик улашаётган серсаҳоват еримиз ҳамда бебаҳо бойлик саналган сувга, ростини айтганда бирмунча эътиборимиз сусайганди. Гўё ер ва сув туганмас бойлик. Ундан ҳар қанча фойдалансак, ўрнини йўқотмаган бўлардик.

Кейинги икки йилдаги юзага келган вазият, ҳосилдорликнинг сезиларли камайиши, деҳқонлар ва шу соҳа мутасаддиларининг ишга бироз жиддийроқ муносабатда бўлиш лозимлигини уқтиргандек бўлди. Бироқ, бугунги уринишларни ва мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишни Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятида ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди...

Келинг, хулосаларни бир четга суриб, амалга оширилаётган ишлар, жойлардаги бугунги аҳвол ҳамда тажрибадан келиб чиқиб илгари сурилаётган ташаббуслар билан таништириб ўтайлик.

ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС

Сафаримизни Хоразм вилоят ер ресурслари бошқармаси фаолияти билан танишишдан бошладик. Ҳали ташкил этилганига узоқ вақт бўлмагани боис бу ташкилот вазифаси ва бугунги кунда амалга ошираётган ишлари кишиларимизга унчалик таниш деб бўлмайди. Ана шуларни назарда тутиб Бошқарма бошлиғи Артур Таджиевга бир нечта саволлар билан мурожаат қилдик.

— Бизнинг зиммамиздаги вазифа жуда масъулиятли. Айниқса, бизнинг Хоразм шароитида икки хисса масъулиятли десам хато бўлмайди. Чунки бизда жами 276 минг 235 гектар суғориладиган ер бўлса, шундан аҳоли томорқаларидан ташқариси 240 минг 132 гектар давлат ерларини ташкил қилади. Бу дегани аҳоли бошига ўн саккиз сотихдан ер тўғри келади.

Афсуски, кейинги йилларда ерларимизда шўрланиш кучайиб бораяпти. Орол денгиздан ҳаво орқали учиб келаётган туз ҳамда ернинг табиий шўрларини ўз вақтида ювишнинг имкони бўлмагани боис табиийки ҳосилдорлик ҳам камайиб бораяпти.

Бунинг сабабларидан бири юқорида айтганини шўрланиш бўлса, иккинчи сабаби ерга нотўғри муносабат натижасида юзага келаяпти. Хоразм вилоятининг бор-йўғи, етти минг гектар ерида беда экилган. Алмашлаб экиш кўрсатгичи паст. Минерал ўғитлар билан тўлиқ озиқлантирилмайди. Аслида, юз минг тонна тупроққа бир йил давомида 16 кг азот, 3 кг фосфор, 20 кг калий сепилиши керак. Бироқ буларнинг бари кўнгилдагидек амалга оширилади деб бўлмайди. Шу боисдан ҳам 1990 йил тупроқ унумдорлиги 72 балл бўлган бўлса, айни пайтда 54 баллни ташкил этяапти. Биз амалга оширадиган асосий ишларимизга келадиган бўлсак, бирламчи вазифамиз Узбекистон Республикаси "Ер кодекси" қонунларини ҳаётга татбиқ қилиш, ер ресурсларидан самаралаи фойдаланиш ва ерларни муҳофаза қилишдан иборат. Шу маънода ўтган йили вилоятда содир этилган ҳуқуқбузарликларни таҳлил қилиб кўрганимизда бирмунча қонунбузилиш ҳолатлари рўй берганлиги аниқланди. Жумладан: қишлоқ хўжалик ва бошқа тоифадаги ерларни бузилиш ва тупроқнинг унумдор қатлами олиниб, сақланмаганлик ҳамда фойдаланмаганликда 34,68 гектарда 26 та ҳуқуқбузарлик ҳолати, ердан хўжасизларча ёки самарасиз фойдаланганликда, тупроқ ҳолатини муҳофазалаш ва ерларни яхшилаш ишларини бажармасликда 4,32 гектарда 21 та ҳуқуқбузарлик ҳолати, ерларни мўлжалланганидан бошқа мақсадларда фойдаланганликда 1,5 гектарда, 9 та ҳолат, ер тузиш лойиҳаларидан чекинишлик, ер холатига салбий таъсир кўрсатувчи объектларни лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланганда, давлат ер кадастри маълумотларини ҳисоботдан яширганлиги ёки нотўғри кўрсатган холатлар 35,45 гектарда 15 та ҳолат. Шунингдек, 23,37 гектарда 124 та ҳолат ноқонуний равишда ерни олиб сотиш, ўзбошимчалик билан алмашиш ва эгаллаганлик каби ҳолатлар бўйича ер қонуни бузилиши рўй берган. Йўл қўйилган ҳар бир ҳуқуқбузарлик ҳолатига вилоят ва туман ер ресурлари мутахассислари томонидан 139 та далолатнома расмийлаштирилиб, маъмурий жавобгарлик масаласини ҳал қилиб бериш учун суд идораларига юборилди. Натижада 778362 сўм жарима солиниб давлат бюджетига туширилди...

Бундай рақамларни яна келтириш мумкин. Кўриниб турибдики, Артур ака, талабчан раҳбар. Бироқ бугунги кун раҳбари ижодкор, ташаббускор ҳам бўлиши керак-да. Берилган топшириқ ва кўрилган ҳуқуқбузарликдан ташқари шу соҳани янада чуқурроқ "кашф" этиш ҳам зиммасидаги улкан вазифа саналади. Биз бу билан у кишида ана шу сифатлар йўқ демоқчи эмасмиз. Фақат бир нарса, ўша қобилиятни юзага чиқара билмоқ ҳам, ҳали нисбатан ёш бўлган соҳанинг халқимизга тегадиган нафини оширарди. Сўзининг якунида Артур ака бир гапни таъкидлади. — Назорат органи сифатида кординатцион кенгашга киритилганимиз бирмунча ишларимизнинг жадаллигига ҳалақит беради. Чунки, ўз вақтида текширув ўтказиш учун Кенгашдан тезроқ рухсат олиш керак. Бу эса бизга муаммо туғдиради.

ИЗЛАНУВЧАН МАТКАРИМ ИБОДУЛЛАЕВНИНГ ТАЖРИБАСИ

Бу кишини кўпчилик танимаслиги мумкин. Оддий ўқитувчиликдан иш бошлаган Маткарим ака 30-40 йиллик мураббийлик фаолиятида кўплаб шогирдлар тарбиялаб "учирма" қилган бўлсада, камтарликни касб қилиб олганлардан. Ҳозир нафақада, Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси унвони соҳиби. Бир неча йилдирки, Маткарим акада тиним йўқ. Уйдан эрталаб чиқиб, кеч қайтади. Қўшкўпир туман Мустақиллик фермер хўжалигидан тажрибага олган уч-тўрт сотихлик участкадан бери келмайди. Дастлаб, кимдир устидан кулди, айтганларига ишонмади. Сўнгра қарашсаки, экинлари унаяпти, тажрибани қўллашса бўлади. Аслида ҳар қандай кашфиёт ҳам шунақа кичкина элементар кўринишида бошланади-ку!

—Сувдан тежамли фойдаланишнинг самарали усулларидан бири — бу экинларни зичлаштириб ўстиришдир, - дейди Маткарим ака тажриба участкаси билан таништирар экан. 1998-2000 йиллар давомида ўтказилган тажрибалар ғўзага эртаги картошка, бош пиёз, қовун, тарвуз, кунжут, соя, қанд лавлаги каби экинларни зичлаштириб ўстирганда, сув ва ердан жуда унумли фойдаланиш ҳамда ер ўта чекланган вазиятда қишлоқлардаги ишсизлар учун иш ўринлари, шунинг эвазига қўшимча даромад манбалари яратиш мумкинлигини кўрсатди.

1998 йил бошида тажрибали деҳқон оилаларидан бирига янгидан ўзлаштирилаётган шўрхок ердан 0,35 гектар ажратиб берилди. Унинг беш сотихига март ойи бошида пиёз экилди. Апрель ойининг иккинчи ярмида эса, кўкариб турган пиёз майсаларининг ичига "Хоразм — 150" тизимидаги ғўза чигити қатор оралатиб 90 см қилиб, уялаб қўлда экилди. Ғўзалар ва пиёз экинлари билан биргаликда заруратга қараб озиқлантирилиб, суғорилиб, ёввойи ўтлардан ўз вақтида тозалаб борилди.

Июль ойи охирида бир тоннадан ортиқ (гектар ҳисобига 200 ц) бош пиёз ҳосили йиғиб олинди. Ғўза кўсаклари август ойи бошида очила бошлади. 10 сентябргача айрим тупларда 40 тадан ортиқ кўсак очилди. 12 сентябрь куни биринчи теримда 250 кг (гектар ҳисобига 50 ц) пахта ҳосили йиғиб олинди, қолган кўсаклар билан ғўза пояси даладан чиқарилиб, майдончага ёйиб қўйилди. Очилгандан сўнг яна 30 кг пахта териб олинди. Хуллас, 500 м2 ердан 280 кг (гектар ҳисобига 56 ц) ҳосил кўтарилди. Сентябрь ойи охирида шу майдондаги эни 90 см бўлган тасмаларнинг бирига кузги буғдой, ёнидаги тасмага эса жавдар уруғлари экилди. 1999 йил апрел ойи охирида ҳар метр квадрат ердан 4 кг (гектар ҳисобига 200 ц) витаминли жавдар кўк сомсаси ўроқ билан ўриб олинди. Унинг ўрнига дон олиш учун икки қатор маккажўхори экилди. Июнь ойи ўртасида эса, даланинг ярмисида жойлашган буғдой (гектар ҳисобига 30 ц) ҳосили йиғиб олиниб, ўрнига тариқ экилди. Шу усулда иккинчи йили тўрт хил экиндан ҳосил олиниб, тупроқ таркибидаги гумус миқдори табиий равишда кўпайишига (0,6 дан 1,1 гача) эришилди. Кузда шу беш сотих майдонга яна беш (гектар ҳисобига юз) тоннадан ортиқ гўнг солинди ва қиш-эрта баҳор пайтларида тупроқнинг шўри ювилди.

2000 йил март ойининг бошида қатор оралари 90 см бўлган пушталар ҳосил қилиниб, уларга эртаги картошка уруғлари экилди. Апрель ойининг иккинчи ярмида кўкариб турган картошка қаторларидан 30 см узоқликка қўлда чигит экилди. Ғўза ва эртаги картошка экинлари биргаликда сифатли парваришланди. Июль ойи бошида 700 кг (гектар ҳисобига 140 ц) эртаги картошка ҳосили йиғиб олинди ва унинг ўрнига сабзи уруғлари экилди.

Шундай қилиб, уч йил давомида беш сотих майдонда ўн хил экиндан ҳосил кўтарилиб, йилига 40-50 минг (гектар ҳисобига 0,8-1 млн) сўм даромад олишга эришилди.

Экинлар зичлаштириб ўстирилса, албатта, кўп қўл меҳнати талаб этилади. Тажрибалар, деҳқон хўжалиги ихтиёридаги 0,35 га ернинг барчасида пахта, экспортбоп экинлар етиштирилса, пахтани сотишдан келадиган даромаддан ташқари, яна чорак миллион сўм қўшимча даромад олиб, 2-3 нафар одамнинг ҳар бирини минимал иш ҳақидан уч баробар кўп миқдордаги маош билан таъминлайдиган иш ўринлари яратилажагини кўрсатмоқда.

Маълумки, томчилатиб суғориш амалга оширилганда сув уч-тўрт баробар тежалади. Бу айниқса, Хоразм воҳасида 2000 йилдагидек, сув танқислиги ўта кескинлашган пайтларда қўл келади, яъни қурғоқчилик йилларида ҳам деҳқоннинг даромади ва турмуш даражаси пасайиб кетишига йўл қўйилмайди...

Маткарим аканинг амалга ошираётган тажрибаси ҳар қанча тақсинга лойиқ. Агар лозим бўлса бундай кишиларни ҳақиқий фидойи деб аташ мумкин. Ахир айрим қишлоқ хўжалиги соҳасининг олим ва мутахассислари сувни тежаш ва ер шўрланишининг олдини олишда бошқа чора йўқ дея қўл қовуштириб ўтирган бир пайтда ўзи ташаббус кўрсатиб, иш бошлагач яна қандай баҳо бериш лозим. Шу ўринда айтишимиз керакки, Маткарим Ибодуллаев, бу тажрибаси билан энг аввало "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Хоразм вилояти Кенгаши раиси Мақсуд Ёқубовнинг диққатини тортгани бежиз эмас. Бу у кишининг ёшлар ташкилотига юксак ишонч билдиришидан дарак, десак ҳато бўлмайди. Маткарим ака билан хайрлашар эканмиз, у киши ҳазилнамо, — хали сизга айтмаган сирларим кўп. Агар бизга ишонч билдириб, биргаликда ишлайдиганлар бўлса марҳамат. Биз ҳамиша тайёрмиз. Ўшанда барча сирларидан воқиф бўлиб, кейинги йилларда ҳам жорий қилади. Буни лўнда қилиб айтганда "Ноу-хау".

ОТАНГ МИРОБ БЎЛСА ҲАМ...

Ушбу ибора кейинги икки йилда бошқа ҳудудларга қараганда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон республикаси аҳолиси орасида кўпроқ тилга олинмоқда. Сабаби ўзингизга маълум. Сув бироз камайди. Бироқ бу дегани сув катта муаммога айланди деган гапларни англатмайди.

— Бизда бошқа вилоятларга қараганда уч-тўрт ҳисса сув кўп ишлатилади, - дейди Хоразм вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги Бош бошқармаси бошлиғининг сув масалалари бўйича ўринборсар Қуронбой Бобожонов. — Воҳамизда дастлаб, ер икки-уч мартадан вертикал сингдириб, суғорилиб, шўри ювилади. Бошқа вилоятлардан эса яхоб суви бериб экилаверади. Шўрланиш кейинги йилларда пайдо бўлган ҳодиса эмас. Илгари ҳам еримиз шўрхок бўлган. Чунки бизда ер ости суви яқин жойлашган. Фақат бир нарсани таъкидлаб ўтишни истардимки, шолини ҳаддан зиёд кўп экилиши бир мунча шўрланишни кучайтирган ҳамда Оролга борадиган сувни камайтириб юборган. Чунки бир гектар шолини суғориш учун 28,500 куб сув кетади. Бугунга келиб, Хоразм ерларини учга бўлиш мумкин. 36 минг 224 гектар кучли шўрланган ерлар, 95 минг 864 гектар ўрта шўрланган ерлар, 21, 857 гектар кам шўрланган ерлар. Бу йил 153,945 гектар ерга деҳқончилик қилиш режалаштирилган бўлса, шундан 100 минг гектарга яқини биринчи суғоришдан чиқди. Аслида эса воҳамизда 253,87 гектар ер суғориладиган ер ҳисобланади. Агарда биз сувдан меъёрида фойдаланмоқчи бўлсак, 5,5 миллиард сув зарур бўлади.

— Маълумки, олимларимиз томонидан, сувни тежаш ҳамда ернинг шўрланишини камайтириш борасида бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилган. Айтайлик, томчилатиб суғориш усули. Ана шундай усулларда ҳам фойдаланиб кўрилганми?

— Эслолмайман. Чунки буни қўллаш жуда катта маблағ талаб қилади. Қолаверса, бу усуллар Хоразмда яхши натижа бермайди. Аксинча, шўрланишни кучайтириб юборади. Назаримда, фақат биргина усул, сувдан фойдаланиш коэффицентини кўтаришгина яхши натижа бериши мумкин.

Ўтган йил ҳам 6000 гектар ерга шоли экишга рухсат берилганди. Аммо, сув танқислиги боис жуда кам қисмигина пишиб етилди. Бу йил эса батамом тўхтатилди. Ҳозир, энг аввало, аҳоли томорқасига сув бераяпмиз. Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан ҳар бир туманимизга назоратчилар бириктирилган. Дегиш, освак усулини қўллаб, навбатма-навбат суғоришни амалга ошираяпмиз.

Мутахассис сифатида, бир гапни айтишни истардимки, агарда биз мавжуд сув заҳираларидан унумли фойдаланиб, тежамкорлик қилсак, ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ. Яратганга шукрки, Амударё оқиб турибди. Туямўйин сув омборида керакли сув тўпланяпти. Энди фақат ишлаш керак, баҳонага ўрин йўқ.

УМИД БИЛАН ЯШАЙМИЗ

Бир вақтлар, етиштирган шолиси-ю, пахта буғдойи билан шуҳрат қозонган Қорақалпоғистон республикасининг Чимбой тумани томон юрар эканмиз, атрофнинг оппоқ бўлиб шўрга қопланганлиги, диққатимизни тортди.

Ҳамроҳим беларво, чунки, у бу ҳолга кўниккан. Баъзи-баъзида мана бу ерларда илгари оппоқ бўлиб пахта очиларди деб қўяди... Бизнинг эса сафардан мақсадимиз бўлакча эди. Сувдан тежамкорлик билан фойдаланаётган ёш фермерлар фаолиятини ёритишни режалаштиргандик.

Шу мақсадда аввало, туман деҳқон фермерлар уюшмасида бўлдик. Уюшма раҳбари Омирбек Тўлибековнинг таъкидлашича, туманда 376 та фермер хўжаликлар бор. Шундан, 54 нафари чорвачилик билан, 322 нафари деҳқончилик билан шуғулланаркан. Аммо, бу йил ҳисобида бор йўғи 150 гектар ерга буғдой экилибди...

Фермерлар аҳволини шу кўрсаткичнинг ўзиёқ кўрсатиб турибдики, бу ҳақда бир нима дейишга ўрин йўқ. — Илгари бизда асосан шоли етиштиришарди. Кейинги икки уч йилдан буён сув тақчиллиги қишлоқ хўжалигини оғир аҳволга солиб қўйди — дейди Тўлибек ака.

Шундан сўнг, кенгроқ маълумотга эга бўлиш учун Чимбой тумани ҳокими Кўнғиротбой Дўшимбетов ҳузурида бўлдик. —Туманимизда 3000 гектар ер ва 94 минг аҳоли бор. Ҳар жиҳатдан олганда туманимиз Қорақалпоғистон республикасида катта туманлардан бири.Илгари туман меҳнаткашлари 16000 тонна пахта, 40000 тонна шоли етиштирган. Ўтган йили 1000 тоннага яқин пахта топширдик, шоли эса экилмаган. Ҳозир асосан чорвачиликни ривожлантиришни режалаштираяпмиз. Ерларнинг мелеоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда чорвага озиқабоп беда экилаяпти. Ёғ олиш мақсадида кунгабоқар етиштирмоқчимиз.

Ўтган йили бизга ажратилган сув миқдорининг бир қисмигина олдик. Амударёнинг охирги қуйилиш жойи бизга келиб тўхтасада, сув муаммолигича қолмоқда. Ҳар ҳолда аҳоли ичимлик суви билан таъминланган. Агарда бизга лозим бўлган сувнинг 60-70 фоизи етиб келса, барча муаммолар ҳал бўларди. Фермерларнинг ҳам иши жонланарди.

Ҳоким Кўнғиротбой оға ҳақ гапни айтди. Эртанги кундан умид билан яшаган кишига, Яратганнинг ўзи эътиборли бўлади. Қолаверса, келаётган баҳорнинг серёғин келиши ана шундай одамларнинг яхши нияти ва умиди боис бўлса ажабмас.

ТААССУРОТ ВА ТАҲЛИЛ

Сезган бўлсангиз Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон республикасининг биз қаламга олган жиҳатлари ўз-ўзидан танлангани йўқ. "Эл-оғзига элак тутиб бўлмайди" деганидек бугун айрим оғзига кучи етмайдиганлар мазкур воҳаларда экологик фожеа юзага келганини ўзлари "билганча" сўзлаб юришибди. Аслида эса ҳеч қандай ваҳимага ўрин йўқ. Ҳаёт ўз маромида давом этаяпти. Заҳматкаш бободеҳқон дастлабки, барака уруғини ерга қадади. Сув меъёрда берилаяпти, тежамкорлик билан фойдаланишни ўрганаяпмиз.

Бироқ, бизни сафар давомида ўйлантирган жиҳати шундаки, бугун сувни тежаш ҳақида қанча кўп гапирилмасин, аммо бажарилаётган амалий ишлар қониқарли деб бўлмайди. Баъзи раҳбарларда ташаббус, изланувчанлик, кўзга ташланмайди. Бир сўз билан айтганда ернинг шўрини сув билан ювиш мумкин. Бироқ ана шу шўрни ақли, илми билан ювиш қудратига эга бўлган инсонлар миясини "шўр" босмасин! Кишиларда изланувчанлик, ишонч бўлса, ҳар қандай қийинчиликни енгиш мумкин. Бунга шубҳа йўқ.

Шавкат АЛЛАНАЗАРОВ

Тошкент — Урганч — Чимбой — Тошкент

Жаҳон ҳаёнлари

ЎЗБЕКИСТОН — САЙЁҲЛАР НИГОҲИДА

Ҳозирги даврда сайёҳлик энг даромадли соҳага айланган. Чунки унга қилинган сарф-харажатлар бошқа соҳаларга қилинган харажатларга қараганда кўпроқ ўзини оқлайди. Техника ва транспорт воситалари тараққиёти эса сайёҳлик соҳасининг тезкор суръатлар билан ривожланишига ёрдам беради.

Мустақил Ўзбекистонда ҳам халқаро сайёҳликка эътибор кучайиб бормоқда. Чунки бу соҳани ривожлантириш учун мамлакатимиз улкан имкониятларга эга, унинг табиий иқлим шароити иссиқ бўлиб, географик ўрни ниҳоятда қулай. Бундан ташқари, нодир тарихий архитектура ёдгорликлари, хилма-хил таомлари, ажойиб миллий анъанаю урф-одатлари ва меҳмондўст халқи билан сайёҳларни ўзига жалб эта олади.

Сайёҳлик соҳасини такомиллаштириш масалаларини 1992 йили ташкил этилган "Ўзбектуризм" миллий компанияси амалга оширяпти. Бу ташкилот асосан Ўзбекистонда сайёҳлик хизматини ривожлантириш, унинг моддий техникаси ва инфраструктурасини вужудга келтириш, сайёҳларга хизмат кўрсатишни жаҳон андозалари даражасига кўтариш, Ўзбекистон иқтисодиётига кўпроқ чет эл валютасини жалб қилиш, Республикадаги тарихий ва маданий дурдоналар ҳақидаги маълумотларни жаҳонга ёйиш, сайёҳлик соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш, янги иш жойлари ташкил этиш каби қатор масалалар билан шуғулланмоқда.

"Ўзбектуризм" миллий компаниясининг вужудга келиши ва 1993 йили Бутун - жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо бўлиб кириши бу соҳада қўйилган улкан қадам бўлди.

Ўзбекистон тарихида, айниқса, сайёҳлик тарихида "Буюк ипак йўли"нинг тутган ўрни ниҳоятда чексиз. Буюк ипак йўли қадимги Туркистон ҳудудидан, асосан Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз каби қатор шаҳарлардан ўтган. Ўзбекистон ифтихори бўлмиш Самарқанд, Хива, Бухоро ва Шаҳрисабз каби шаҳарларимиз кўҳна маданий ва архитектура ёдгорликларига бой. Ўзбекистоннинг ана шундай тарихий шаҳарларини бемалол "Шарқнинг жавоҳирлари", деб аташ мумкин.

Самарқанд — жаҳоннинг энг кўҳна шаҳарларидан бири ҳисобланади. У Бобил, Рим, Афина шаҳарлари билан тенгдош. Самарқанд ҳақидаги энг дастлабки маълумотлар эрамиздан олдинги IV асрга таллуқлидир. Ўша пайтларда Мароканд номи билан машҳур бўлган бу шаҳар узунлиги 10 километрдан ортиқроқ бўлган қудратли мудофаа деворларига эга бўлган. Самарқанд шаҳри халқ маданиятининг бебаҳо хазинаси ҳисобланади. Уни ҳақли равишда "Жаҳоннинг қимматбаҳо гавҳари", "Шарқ Рими", "Қадимги Шарқ Жаннати" каби сўзлар билан аташган.

Ҳозир "Ўзбектуризм" миллий компанияси ихтиёрида сайёҳларга хизмат кўрсатадиган қатор ташкилотлар мавжуд. Бу бўлимларнинг ҳар бири ажойиб тарихий обидаларга эга бўлган шаҳарлар ва вилоятларда фаолият кўрсатяптилар.

Мустақиллик туфайли ажойиб иншоотлар, маданий дам олиш масканлари, зиёратгоҳлар вужудга келди. Бу эса, албатта, дунё халқларининг Ўзбекистонга бўлган қизиқишларининг ортишига замин яратмоқда.

Маҳбуба АЛИЕВА,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети доценти.
Муҳаммадали ЭШНАЗАРОВ,
катта ўқитувчи

БАРЧИНЛАР ЯШАЙДИ БУ ЮРТДА

Яккабоғ туманидаги Чинобод қишлоғида бундан ўн тўққиз йил бурун бир чақалоқ дунёга келганди. Қиз бола... Ота-онасининг қувончи чексиз эди. Бу шодлик эса борган сайин фахр ва ғурурга айланиб бормоқда.

Мақсуда ўрта мактабда аъло баҳолар билан ўқий бошлади. Жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Қаландар Алланазаров "Кураш" тўгарагини ташкил этиб, унга қиз болаларни ҳам жалб қилди. Тўгаракка Мақсуда биринчилар қаторида аъзо бўлди. Ана-мана дегунча ушбу спорт турининг сир-асрорларини эгаллаб улгурди. Еттинчи синфда ўқиган кезларидаёқ курашнинг дзю-до, самбо турлари бўйича ўтказиладиган мусобақаларда иштирок эта бошлади.

1999 йил Мақсуда учун омадли келди. У қизлар ўртасида дзю-до бўйича вилоят чемпиони бўлиб, воҳадаги таниқли спорт усталарининг назарига тушди ва тез орада дзю-до бўйича вилоят терма жамоаси таркибига қабул қилинди. Шундан сўнг Мақсуда бир неча бор республика биринчиликларида иштирок этишга муяссар бўлди. Самарқанд, Тошкент ва Хоразм вилоятларида ўтказилган беллашувларда учинчи ўрин билан кифояланган курашчи қиз ўз устида ишлашни давом эттирди. Бу орада Қарши педагогика ва ижтимоий-иқтисодиёт коллежининг жисмоний тарбия бўлими талабаси бўлишга ҳам улгурди. Мақсуда бу даргоҳда самбо ва миллий кураш бўйича бир неча бор Ўзбекистон чемпиони, таниқли спорт устаси Ботир Боймуродовдан таҳсил ола бошлади. Устози раҳбарлигида ўтган йили Чирчиқ шаҳрида ўтказилган мусобақада фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

— Мақсуда жуда интизомли, тиришқоқ ва чўрткесар қиз, дея гап бошлади Ботир ака. — Бирор марта машғулотга келмаганини ёки кечикиб келганини эслай омайман.

Яқинда Мақсуда Худойбердиева Жиззах шаҳрида қизлар ўртасида бўлиб ўтган самбо бўйича Ўзбекистон биринчилигида ғолибликни қўлга киритди.

— Мен ғалаба қилган чоғимда энг бахтиёр инсонга айланаман. Орзуим — дунёнинг турли чеккаларида менинг ғалабам боис юртимиз байроғи юксакка кўтарилсин, — дейди Мақсуда Худойбердиева.

Ихтиёр УМАРОВ

Эрик ФИХТЕЛИУС

ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ЎН ҚОИДАСИ

(Давоми, боши ўтган сонда)

Журналистлик касбининг энг мураккаб томони шундаки, биз ҳеч бир томоннинг ёнини олмасдан, холис ва билагон бўлишимиз керак. Мухбир фақат янги хабарни излаб топиб қолмай, ўзини қизиқтирган мавзуни жуда катта қизиқиш ва ҳаяжон билан ўрганиши, баҳсли масалада ҳар икки томоннинг ҳақлик, ноҳақлик жиҳатларини чуқур тушуниб етиши ва айни замонда воқеага аралашмай, ҳеч бир томонга қўшилганини билдирмай холислик билан ёритиши зарур. Воқеага қизиқиб туриб, холис бўлиш жуда қийин, аммо шунга эришиш керак.

Сиз янгиликни, ахборотни ўқувчига, томошабинга, тингловчига етказар экансиз, уларга ўз фикрингизни ўтказманг, чунки, бу хабарга уларнинг ўзлари бошқача қарашлари мумкин. Уларга сизнинг симпатиянгиз ёки антипатиянгиз билан бўялмаган "соф" хабар керак. Кўп журналистлар, мухбирлар холис бўлиш қийинлигидан, бу масалага эътибор бермайдилар. Аммо журналист касбидаги бу зиддиятли ҳолатни ҳисобга олишга тўғри келади. Бу масалада чегарадан, меъёрдан чиқмаслик касб талабидир.

Холислик талаби баъзи журналистларни қийнайди, улар ўзларини ижтимоий воқеаларга аралашолмай, жамият ҳаётидан четга чиқиб қолгандай ҳис этадилар. Ўзи кўриб, билиб, тушуниб турган воқеалар ҳақида ўз фикрини айтолмаслик, бошқалар воқеага ўз муносабатини билдирганда ўз фикрини айтолмай четда туришдан баъзи журналистлар руҳан изтироб чекадилар. Мухбир кўпинча турли одамлар билан танишиб, улар қувонсалар қувонади, қайғурсалар ҳамдардлик билдиради, ёмон ишларга норозилик билдиради, аммо воқеани ёритишга келганда холис бўлиб, ўзини аралаштирмай туришига тўғри келади. Ҳар қандай касб эгалари каби, журналистлар ҳам шахсий ҳаётида қувониш, қайғуриш, ўз фикрини айтишга ҳақлидир. Аммо, касби, вазифасини бажараётганида шахсий ҳаёт билан ижтимоий ҳаёт ўртасидаги чегарани билиш зарур, лекин бу осон эмас.

Демак, журналистнинг ўз касбини севиб, берилиб, жон-дили билан ишлаши, куйиб-ёнишининг маълум чегараси бор.Бу муҳим масала бўлгани учун бунга кейинги бобларда, айниқса, мухбирнинг янгилик оқибатига холис муносабатини кўриб чиқаётганимизда яна бир неча бор қайтамиз. Янгиликларга қизиқиш, жон куйдириш билан холислик ўртасидаги зиддият журналистнинг жамиятдаги ўрнини белгиловчи асосий касб ҳусусиятларидан биридир.

Жон куйдириш – муваффақият калити

Репортёр, мухбир мавзуни қизиқарли қилиб ёритиш учун жон куйдириши – ишда муваффақият қозонишнинг калитидир. Мухбир турли ахборот, маълумотларни не-не қийинчиликлар билан олади, аммо буларнинг ҳаммасиям янгилик бўлиб чиқавермайди. Мисол учун, бир оилада бирданига беш фарзанд туғилгани ҳақида биринчи бўлиб хабар қилган мухбирлар тез орада бу янгилик бутун дунёга ёйилиб кетишини ўйламаган эдилар. Яна бир қизиқ воқеа: Черн оролига ўтиладиган катта кўприк қулаб тушганини биринчи бўлиб редакцияларга ва журналистларга айтган мухбирларни маст-аласт одамнинг алжираши, деб ишонмаганлар. Баъзан муҳим янгиликлар ҳам умуммиллий ахборот воситаларининг янги ахборот бўлимлари ва редакцияларига етиб боргунича ҳафталар, ойлар ўтади.

Циниклар (бетаъсир, тепса тебранмас одамлар) фақат ўзлари билган нарсани янгилик дейдилар, бошқалар кўпчилик хабар берса – янгиликмас, дейдилар.

Янгилик нима? Унинг таърифи

Янгилик нима? Очиғини айтганда, янгиликнинг назарий жиҳатдан асосланган аниқ таърифи ҳам, талқини ҳам йўқ. Янгилик – бу ҳис-туйғуларга таъсир қилувчи, ҳам анъанавий тасаввурларга жавоб берувчи хабарлардир. Тажрибали журналист ўзи кўрган ва эшитганлари орасида қайсиниси янгилик эканини яхши ажрата олади. Аслида, ҳақиқий янгилик, биринчи галда ҳиссиётларимизга кучли таъсир кўрсатади. Янгиликларни эълон қилувчи ҳам, янгиликларни истеъмол қилувчи ҳам бу ҳодисани таърифлашга урониб кўришган. Аммо янгиликларнинг тавсифи назарий мулоҳазалардан кўра амалиёт, тажриба билан боғлиқдир. Биз янгиликларга ҳиссиётларимизга қанчалик таъсир қилишига қараб баҳо берамиз. Оқибатда янгилик мухбирнинг *бир* воқеа юз берган жойда бўлиб, у кузатган, бошқаларга айтса қизиқиш уйғотадиган нарса бўлиб чиқади. Швед тилининг изоҳли луғатида янгилик бундай тавсифланади:

Янгилик – янгилиги завқ берадиган нарса; янги, муҳим воқеа; муҳим воқеа ҳақида хабар (матбуот, радио, телевидениеда)

Шундай қилиб, янгилик асосида воқеа туради. Муҳим ўзгариш воқеадир. Муҳим, қизиқарли ўзгариш янгиликдир. Швед мухбирлари янгиликни илмоқ дейдилар (бу худди ўзбек тилидаги пичоққа илинадиган нарса, деган иборага ўхшайди). Янги юз берган воқеа асосида оғзаки ёки ёзма сюжет ёзиш мумкин.

Ўзгаришлар турли соҳаларда юз бериши мумкин. Энг аниқ-равшан янгилик – тез, кутилмаганда юз берган ҳодиса, масалан, автофалокат, ёнғин, Вазирлар Маҳкамаси таркибининг истеъфога чиқиши ва ҳоказо. Шу хилдаги воқеий янгилик – тез содир бўлган, кутилмаган ҳодисадир.

Журналистнинг вазифалари

Мустақил ахборот хизматлари жамиятнинг демократик асосларини сақлаш учун (ижтимоий адолатни қарор топтириш учун) зарурдир. Бу жараёнда журналистларнинг хизмати каттадир. Журналистларнинг жамиятда адолатни қарор топтиришга хизмат қилиш ҳаракати узоқ тарихга эга ва унинг илдизлари Ғарб мамлакатларидаги либерал (эркин, инсонпарвар) матбуот анъаналарига бориб тақалади.

1975 йилда Матбуот бўйича коммисиянинг таклифи ва Газета нашрлари ассоциацияси, Журналистлар Уюшмаси, Швед радиоси концерни қўллаб-қувватлаши билан Швеция парламенти – Риксдаг "Мамлакат ОА воситаларининг ҳозирги замондаги роли ва вазифалари ҳақида муносабати"ни баён қилди. Мана шу баёнотда демократик жамиятда ОА воситаларининг тўрт муҳим функцияси - вазифалари кўрсатиб берилган.

Хабар бериш функцияси

ОА воситалари ахборотларни бериб туришлари керак, бу мамлакат фуқаролари муҳим ижтимоий масалаларга ўз муносабатини белгилаб, билдириб туришлари учун зарур. Халқ вакиллари ўз навбатида ОА воситалари ёрдамида турли сиёсий масалаларга оид фуқароларнинг ёки айрим ташкилотларнинг муносабатлари қандайлигидан доимо хабардор бўлиб туришлари зарур.

Шарҳлаш функцияси

ОА воситалари жамиятнинг умумий фикри кўзгуси сифатида ёки мутлақо мустақил ташкилотларнинг манфаатлари ифодачиси сифатида мамлакатда ва жаҳонда юз бераётган воқеаларни шарҳлаб боришлари зарур.

Назорат функцияси

ОА воситалари жамоатчилик манфаатларини кўзлаб, ҳукумат ташкилотларини текшириб ва назорат қилиб туришлари керак.

(Давоми бор)

Фарҳод РЎЗИЕВ ва Абдуқаюм ПАРДАЕВ таржимаси

СПОРТ — ЖАСОРАТ, МАТОНАТ, ИРОДА, ҚАТЪИЯТ

ШИДДАТИ БАЛАНДДАГИ ЎЗБЕК АЁЛИ

"Синчалак деган бир қуш бор. Бу митти жонивор ўзи жимитдек бўлишига қарамай, ётганда оёғини осмонга қилиб: агар осмон қулаб тушса, оёқларим билан тутиб қоламан деркан..." Бундан йигирма-ўттиз йил илгари Шарқ хотин-қизларидан дунёни лол қолдиришга қодир санъат, фан ва спорт "юлдуз"лари етишиб чиқади, дейилса, кўпчилик ишонмаслиги муқаррар эди. Бугун эса ўзбек аёлларидан бири коинотга парвоз қилди, дейилса ҳам бу ҳеч кимни таажжубга солмайди.

Сухбатдошимиз — сузиш бўйича икки карра Марказий Осиё ўйинлари ғолиби, Осиё ва Океания мамлакатлари чемпионати олтин медали соҳибаси, Сидней олимпиадаси иштирокчиси, халқаро тоифадаги спорт устаси Саида Искандарова ҳам юрагида олови бор ўзбек қизларидан. Қаҳрамонимиз мамлакатимиз ёшларининг навқирон вакиласи.

Баъзи бировларнинг: "Ёшларимизнинг салбий жиҳатлари кўпайиб кетди, ҳамма нарсани пул, мансаб билан ўлчайди", деган нолишлари қулоққа чалиниб қолади. Ўқиш ва машғулотлар билан банд "замонамиз қаҳрамони" — Саида билан суҳбатлашгач, донишмандларнинг: "Билган гапирмайди, гапирган билмайди", деган ҳикматида жон борлигига, баъзиларнинг хулосалари ҳам бир ёқлама эканлигига амин бўлдим.

— Дастлаб, эришган ютуқларингиз, ўзингиз ҳақингизда сўзлаб берсангиз?

— Устозим Алевтина Решетова биринчи синфда ўқиётганимда сузиш ҳавзасига бир гуруҳ қизларни таклиф этганида ярим истиҳола, ярим қизиқиш билан у ерга борганман. Кейинчалик менда сузишга қизиқиш кучайиб борди. Оилада кенжа фарзандман, ота-онам ҳам менда истеъдоднинг янги қирралари очилишига катта ёрдам беришди. Уларнинг қўллаб-қувватлашлари билан мамлакатимиз ва дунё миқёсидаги кўплаб мусобақаларда ғолиб бўлдим.

— Сиз дунёнинг Австралия, Япония, Таиланд, Малайзия, Ҳиндистон каби мамлакатларида бўлиб қайтгансиз. Хориж ёшлари билан мамлакатимиз ёшлари ўртасида қандай фарқ бор?

— Мамлакатимиз таълим тизимида ҳам ривожланган хориж давлатларидагидек ўқитишнинг шартнома усулига ўтилаётгани, ҳар бир талабани ўз келажагига масъулият билан ёндашишга ундайди. Мен ўзбек тупроғидек тоза, соф тупроқни учратмадим. Жаҳон тамаддунига нақадар буюк алломаларни етиштириб берган бу заминга ёшларимиз лойиқ бўлиб етишишлари лозим. Лекин баъзи ёшларимизнинг эгнига ажабтовур кийимларни кийиб олиб, кўча-кўйда машғулотсиз қаровсиз, саёқ юришиб, оғзидан турли ўринсиз сўзларни эшитгач, тарбия соҳасидаги баъзи бўғинлар фаолиятида ишлар кўнгилдагидек эмаслигига амин бўласиз.



— Ёшлардаги хислатлар ва қусурларга муносабатингиз?

— Сахий, меҳрибон, ҳурмат ва қадрини биладиган вафоли кишиларни эъзозлайман. Кўпол, ёлғончи ва ичи қора кимсаларга эътибор бермасликка ҳаракат қиламан.

— Бадиий адабиёт ва мусиқага қизиқасизми?

— Хориж адабиётига мансуб кўплаб фантастик, детектив ва ишқий асарларни ўқиганман. Инглиз адиби Жеймс Чейзнинг асарларига жуда қизиқаман. Хонандалардан Уитни Хюстон, Майкл Жексон ва Жорж Майкларнинг қўшиқларини эшитиб тураман.

— Сиз турмуш қуриш арафасидаги қизсиз. Ўзингизни оилавий ҳаётга тайёр деб ҳисоблайсизми?

— Менинг ҳам барча қатори орзу-ҳавасларим бор. Агар мажбур бўлсам, барча оила юмушларини бажариш қўлимдан келади, деб ўйлайман. Чин кўнгилдан ҳаракат қилсам, мазали таомлар пиширишим, бўлажак турмуш ўртоғимни бинойидек парвариш қилишим мумкин. Кўнгилдагидек йигит насиб этса, ота-онамнинг розилигини олиб турмушга чиқаман.

— Келажакдаги орзуларингиз?

— Ҳозир магистратурада ўқиш билан бирга келажагим ҳақида ҳам ўйлаб кўряпман. Ўзбекистонимиз тараққиётининг спортдан бошқа соҳаларига ҳам ҳиссамни қўшиш ниятидаман. 2004 йилда Греция пойтахти Афина шаҳрида бўлиб ўтадиган олимпиадада муваффақиятли иштирок этиб, 100 метрга сузиш бўйича ўрнатилган Ўзбекистон рекордини (1 дақиқаю 05.5 сония) янгилашга эришсам, спортда армоним қолмайди. ОАВ ходимларига эса бир таклифим бор. Улар ғолибликка эришган спортчиларга эътиборни қаратиш билан бирга уларни эртаю кеч демай, тарбиялаб, руҳлантириб, қўллаб-қувватлаган устозлари ҳақида ҳам ёзишса.

Вохид БОЙМУРОДОВ,
«Turkiston» мухбири

OGOHLIK - DAVR TALABI

Маҳалладагилар билан келинг

«МЕН ЭЛЕКТРИКМАН, МЕН САНТЕХНИКМАН» деганларга ишонаверманг

Республика ички ишлар идоралари тизимида ўтказилаётган ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ этишда халқимизнинг қимматли фикрларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси раҳбарияти жойларда профилактика инспекторлари томонидан янги тартибда олиб борилаётган иш жараёнидаги ютуқ ва камчиликларни ўрганиш мақсадида маҳалла фуқаролари билан учрашувлар ташкил этмоқда.

Шундай учрашувлардан бири яқинда Тошкент шаҳрининг Миробод туманида жойлашган 110-ўрта мактабда бўлиб ўтди. Унда Республика ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш Бош бошқармаси, Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси, Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси, туман ҳокимлиги ва ички ишлар бўлимининг масъул раҳбарлари Шароф Рашидов ва Мусо Тошмуҳамедов номли маҳаллалар фуқаролари билан учрашдилар.

Маълумки, маҳалла аҳлининг тинч, хотиржам турмуш кечиришларини таъминлашда биргина профилактика инспекторлари ёки маҳалла фуқаролар йиғинларининг беш, олти нафар масъул ходимлари билан самарали натижага эришиш қийин. Қачонки, маҳаллада яшовчи ҳар бир фуқаро бу ишга яқиндан улуш қўшмас экан, улар уйим тинч, болаларим бехавотир, дея олмайди.

— Хўш, нега?

Сабаби шуки, Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси "Ахборот маркази" бошлиғи, милиция подполковниги А. Девятовнинг хабар беришича, кейинги пайтда кишиларнинг хонадонларига "Мен электрикман, мен сантехникман" дея эски усулларни қўллаб кирувчилар эмас, балки янгича алдовлар билан, яъни "Мен шифокорман, болангизни эмлашим керак",- деб хонадон соҳибаларини алдовчи ёки "Қон босимингизни текширишимиз керак", деб кекса кишиларни лаққа туширувчи кимсалар пайдо бўлган.

Шу боис, йиғилишда ички ишлар ходимлари кекса онахону отахонларни, уй бекаларини ҳушёрликка чақириш баробарида, болаларни ёлғиз қолдирмасликни ҳам уқтирдилар.

Албатта, бу дегани эшикни маҳкам бекитиб, кўчага чиқма ёки ҳеч кимга очманг, дегани эмас. Аксинча, танимаган одам ташриф буюрганда, айниқса, нотаниш кишилар мен фалон жойданман, деб ҳужжат кўрсатган тақдирда ҳам "Маҳалла раиси билан келинг. Агар уни тополмасангиз, профилактика инспекторимиз ёки маҳалла посбонимиз билан бирга келинг", деб жавоб қилиш лозимлиги ва уларнинг ҳамроҳлигида келган тақдирдагина эшикни очиш кераклиги тушунтирилмоқда.

Маҳалла профилактика инспекторларининг иш фаолияти ҳақида сўралганда маҳалла аҳли "профилактика инспекторларимизнинг биз билан ишлашига имконият беринг, ҳадеб бир кунда уч-тўрт маротаба туман ички ишлар бошқармасига чақираверманг" дедилар. Демак, профилактика инспектори кўпчиликнинг назарида. Учрашувда кўпгина савол-жавоблар ҳам бўлди. Айрим муаммолар ўртага ташланиб,ижобий ҳал этилди.

А. АБДУНАБИЕВ,
милиция подполковниги

MULOHAZA

Улар эртага ким бўлади?

БОЗОРДАГИ БОЛАЛАР

Бугун баъзи ёш болаларнинг бозорда юриши ҳеч кимни ҳайратга солмай қўйди. Эндиликда бозор фарзандларимизни ҳам ўзига тортишга ундаётгандек. Биз бу ҳақда гапни уларнинг ўзларидан эшитишни лозим топдик. Дастлабки суҳбатдошимизнинг исми Маҳлиё экан. У билан газета сотиб юрганида таништик.

— 4-синфда ўқийман, - дея жавоб берди у дастлабки саволимизга. — Дарсларим соат бирдан кейин, унгача буларни сотиб бўлсам, мактабга бораман.

— Бир кунда неча сўм фойда қиласан?

— Масалан, "Даракчи"-ни жойидан 180 сўмдан оламиз. 240-250 сўмга сотамиз. — Энди, клиентларимизнинг таъбига қараб-да, опа.

Иккинчи суҳбатдошимизнинг исми Фарида экан:

— Нечанчи синфда ўқийсиз?

— Тўққизинчини битирдим.

— Ўқимай қўйдингизми?

— Келаси йил кирмоқчиман. Айтганча, ўзингиз ўқишга қандай киргансиз?

Унга тест билан кирганимни, ҳозир билим бўлса, бемалол кириш мумкинлигини тушунтирмоқчи бўлдим. Бироқ, Фарида навбатдаги харидорларига нарса сотиш билан банд эди ва бу гапларим у учун айни дамда қизиқ эмаслигини сезиб, аста узоқлашдим.

Яна бир қизалоқ билан Самарқанд шаҳрининг энг катта бозори — Сиёбдан чиқавериш-да таништик. Исмини айтишни хоҳламаган суҳбатдошим Тойлоқ туманидан экан.

— Ҳафтада ўртача икки марта юк олиб кетаман.

— Нечанчи синфда ўқийсан, дарсдан қолган пайтларинг ўқитувчиларинг уришишмайдими?

— Еттинчи синфда ўқияпман. Муаллимларим бошда уришишди, кейинчалик онам бориб менга ёрдам бериб турсин, деб тушунтирди. Авваллари онам билан келардим. Ҳозир пул берадилар, гоҳ қўшни аёллар билан, гоҳида ўзим келиб, юк олиб кетаман. Бозорда ўзимизнинг таниш магазинчилар бор. Нарсаларни оламан-у, аравачага соламан. То автобус олдигача келтириб, ташлайди.

Унинг сўзларида ўктамлик, ўз ишидан мағрурланиш ҳисси бор эди.

Бундан 4-5 йиллар олдин шу бозорда кичкина жуссали, кўркамгина бир қиз пайдо бўлганди. У аясига нон сотишарди. Ҳозир ҳам кўриб тураман, халқимиз тили билан айтганда, тиллижағли бўлиб вояга етган. Бу қизалоқлар билан гаплашарканман, улар юз-кўзларидаги аллақандай сирлилик, беғуборликни бояги нон сотувчи қиз каби бозорга бой бериб қўйишларини ҳеч истамадим.

Юқоридаги суҳбатлардан ким қандай хулоса чиқаради, билмадим-у, бизнинг мулоҳазамиз қуйидагича бўлди.

Тўғри, болани меҳнатга ўргатган яхши, аммо бу меҳнат унинг келтирадиган фойдаси қизларнинг тарбиясига етадиган зарар ўрнида бўлмаслиги керак. Демоқчиманки, ҳар қандай юмушга дарсдан бўш вақтда жалб этилса. Ундан келадиган даромад ҳам ўша боланинг моддий, маънавий эҳтиёжларига ишлатилса, фойдадан холи бўлмасди. Айтайлик, топган даромадидан ўша болага китоб-дафтар, кийим-кечак харид қилинса. Яна бир нарса, ўқувчиларга тест имтиҳонининг моҳияти ўқитувчилар томонидан яхши тушунтириб берилганида эди, юқоридаги тушунчалардан холос бўлишимиз тезроқ кечарди, назаримда.

Хўш, бозорчи қизлар ҳақида сиз нима дейсиз, ҳурматли газетхон!

Зоҳида БОЙМАТОВА

ТАЛАБАЛИК ДАВРИМ МЕНИНГ

Аввало талабанинг мақсади ўқиш, ўқишга тўсқинлик қилувчи сабабларни четга суриш лозим. Гарчи иш талабанинг билимини мустаҳкамлаб, малакасини оширса-да, ўқишга заррача таъсир қилмаслиги керак.

Талаба ишлаш давомида назарияни ҳаётга татбиқ этади, амалиётда ўзини синайди, бирок, у ўз соҳасида ишламаётган бўлса-чи?

Саволимизга жавоб топиш мақсадида ЎзМУ талабаларига мурожаат этдик:

ИШЛАШ КЕРАК, АММО...

Муножат МЎМИНОВА — журналистика факультети талабаси:

— Андижонданман. Ўқишим шартнома асосида ва уни ўз оилавий бюджетимиз ҳисобидан тўлаб борамиз. Уйдан ҳа, деб пул олаверсам ўзимга ноқулай. Газеталарга қатнаб туришим фойда бермади. Бир танишим мактабдан иш топиб берди. Ҳозир ўқувчиларга тарихдан дарс бераман. Маошим ўзимга етади. Журналистикага катта мақсадлар билан қадам қўйганман.

Марғуба РАВШАНОВА — химия факультети талабаси:

— Ўқишни тамомлаганимдан кейин ҳам ўқитувчи бўлмоқчиман. Фаолиятимни ҳозирдан бошласам малака ошади, деган ўйда мактабдан иш қидирдим. Борган мактабимда химия фани ўқитувчилари етарли экан. Она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси умуман йўқлиги сабаб, мактаб директорининг таклифи билан ишга кирдим.

Каромат ТУРСУНОВА — химия факультети талабаси:

— Яхши кийиб, яхши ейиш талабаликнинг шарти, деб ўйлайман. Унга амал қилишга эса пул керак. Ўз фанимдан дарс беришим қийин, осонроқ фанларни эпларман, дея мактабдан иш қидирдим ва топдим ҳам. Вақти келганда, ўз фаним йўналиши бўйича дарс ўтарман. Баъзида талаба ишлаши керакми, йўқми, деган саволга дуч келамиз. Мен шу ўринда фикримни билдирмоқчиман. Талаба ишласин, аммо фақат ўзининг соҳасида. Шундагина у билимини мустаҳкамлайди. Ўз соҳасида ишламаган талаба ўз касбидан узоқлашади. Унинг келажакда соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишишига ким кафолат бера олади?



ОКСФОРДДА ЎҚИШНИ ХОҲЛАМАЙСИЗМИ?

Оксфорд университети Буюк Британиянинг энг нуфузли ўқув юртларидан бири саналади. Лондондан юз км. наридаги Оксфорд шаҳрида жойлашган бу университетнинг тарихи XII асрга бориб тақалади. Ўшанда қирол Эдвард III айнан мана шу ўқув масканига шахсан ўзи ҳомийлик қилиб, қўллаб-қувватлаган. XIII асрга келиб Оксфорд университети халқаро миқёсда таҳсил олувчи талабалар учун ўқув марказига айланишга улгуради.

Дастлаб мингдан кўпроқ талабаларни бағрига олган бу университет тўрт йиллик бакалавр ва уч йиллик магистрлик ўқув тизимида фаолият кўрсатган. Имтиҳонлар эса оғзаки суҳбат ёки ёзма машқлар асосида ўтказилган. Китобларнинг камёблиги ва ҳаддан зиёд қимматлиги сабаб талабаларнинг маърузалар билан чекланишига тўғри келган. Йиллар ўтган сайин Оксфорд ўз кутубхонасини, қадимги грек ва лотин адабиёти, турли хилдаги диний китоб ва қўлёзмалар, уйғониш даври билан боғлиқ асарлар билан бойитган. Маҳаллий бойлар, диний арбоблар ёшларнинг таҳсил олишлари учун бор имкониятларини сарфлашган.

Айни пайтга келиб эса бу ўқув масканида ўн олтита факультет мавжуд бўлиб, ҳуқуқ, тиббиёт, янги тарих, инглиз тили, мусиқа, биология, санъат ва бошқалар шулар жумласидандир.

Хуллас, айнан мана шундай қадимий жиҳатлари мавжудлиги сабаб ҳозирги пайтда бутун дунё ёшлари шу университетда таҳсил олишни орзу қилишади, албатта. Улар қатори бизнинг ҳамюрт тенгдошларимиз ҳам ушбу университетда таҳсил олиб қайтишмоқда. Бу бизни қувонтириши табиий. Бироқ, сиз-чи, Оксфорд университетида ўқишни хоҳламайсизми?

Рустам СУЛАЙМОНОВ

Абдуғани ЖУМАЕВ олган суратлар

«СТУДЕНТЧА» СЕВГИ

Талабаликда бундай ҳангомалар бошимга тушади, деб сира ўйламагандим. Курс юқорилаб, стипендия ҳам бир ҳафтага чидамай қолди. Аксига олиб отам ҳам олдингидек айтганимни индамай чўзавермайди. Яқинда қишлоқдан тағин хомуш қайтдим. "Биз ҳам ўқиганмиз, — деб қойиди отам. Олган стипендиямизга ўзимизни эплардик, ҳам оилани боқардик. Сен бўлсанг... Етмаса, ҳадеб уйга чопавермай, бекорчи кунларинг ишла! Меҳнатнинг айби йўқ!"

Тошкентга келган кунимоқ, ҳамхонам Пардавойни гапга солдим.

— Парда, шаҳарда ишлаб пул топадиган жой бор дейишади. Шу ростми?

— Карим чиқиб турадиган-ку.

— Ўзимизнинг малла-я? Зўр-у!

Карим сим ёғочдек узун курсдошимиз, ўзиям ёлғонни сувдек ичади. Шунинг учун уни кўпчилик ёқтирмайди. Лекин ишинг тушиб тургандан кейин... Бир-икки кун ортидан "малла" демай Каримжон деб юрдим. Охири у шанба куни Парда иккаламизни "ов"га олиб борадиган бўлди. Келишилган куни саҳарлаб ётоқни тарк этдик. Одамлар турган жойга етиб борганимизда у бизни бир четга тортиб тайинлади:

— Сенлар чурқ этмайсан, мени "уста" деб чақиринглар, хайми, таомили шундоқ.

Кейин у қаёққадир йўқ бўлиб кетди.

Бироздан сўнг қирқ ёшлардаги қотмагина киши билан қайтиб келди.

— Мана, шогирдларим, — деди бизга бармоқ ниқтаб. — Бир-биридан қўли гул йигитлар, "любой" ишни қотиришади, қишлоқда ўсишган.

— Кетдик, — деди у киши бизга зимдан қараб.

Келган жойимиз янги қурилаётган маҳалла экан. Шофёр Каримга нималарнидир тайинлаб ишга кетди. "Малла" бўлса, қўли қўксида "бажонудил, айтганингиздек қиламиз", дея пилдирлаганча уни кузатиб қолди. Шофёрнинг хотини думалоқдан келган паканагина аёл негадир бизга ишончсиз қарай-қарай чой дамлаб берди.

— Пиртувал қуямиз, — деди "малла" чойдан кейин.

— Пиртувал!.. Нима у? — ҳайрон бўлдим.

— Тратуар! Соф ўзбекчасига — йўлак. Укдингми? Бу ердагилар шунақа деркан.

— Об-бў, шевасидан! — Парда ҳам энди жилмайиб қўйди.

Кийимларни алмаштириб иш бошладик. Ҳовли ўртасида шағал, айвонда қоп-қоп цемент, кранда сув. Пича яхшигина ишладик, бироқ цементни шағалга аралаштириб "раствор" тайёрлаш хусусида тортишиб қолдик.

— Бизда шағал уюлиб устига цемент сепилади-да, аста сув қўшиб қоришти-рилади,-дедим мен.

Бироз ишлагач, мен таклиф қилган усул шерикларимга ёқмай қолди.

— Бунақаси қийин экан, — деди Парда, — шағални ёйиб, устига цемент сепамиз-да, биратўла "раствор"ни тайёрлаб олиб, шартта ағдарамиз-қўямиз. Бу жуда осон!

Бунинг ҳам ўзи бўлмас экан. Тезда ҳаммамиз елкамиздан нафас олиб қолдик. Сўнг "уста" иккимиз "усулингдан ўргилдик", деб Пардага ёпиша кетдик. Жанжалимизни кўриб беканинг капалиги учди.

Хуллас, туртишиб-суртишиб тушликка чиқдик. Қорин тўйгач, Парда менга тегишади: "Бойиб қолсанг, биринчи бўлиб кимни кинога оборасан? "Иняз"-даги Хонзоданими ёки филфакдаги Дилшодани, а?"

Тушдан кейин ишнинг пачаваси чиқди: пиртувалнинг боя фарғонача қилиб қуйган жойимиз ҳам, сирдарёчаси ҳам, ҳатто бухорочаси ҳам аёз еган тарвуздек тарс-тарс ёрилиб кетган эди. Энди бирбиримизни росмана сўка бошладик. Опахонимиз ортиқ чидаёлмади: шартта ўчоқдаги ўтга бир челак сув қуйди-да, қаёққадир кетди. Лекин бу пиртувал қурғурни қани эпақага келтириб бўлса, бу ёғини ямасак, у ёғи ёрилади.

«ПИРТУВАЛ» ЁКИ «СИФАТИ УЛУҒ» ЦЕМЕНТ

(Ҳажвия)

Бир вақт дарвоза рўпарасида таниш машина тўхтади. Шу орада Карим кўринмай қолди. Шофёрнинг авзойи бузуқ эди. У тўғри бориб айвондаги қопларни санади, сўнг ишимизга бирров кўз югуртирди-да:

— Уста қани? — деди жаҳл билан.

— Шу ерда эди, — деди Парда.

Чақирдик. У ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ эди: аллақачон "қуён бўлибди". Шофёр бизга ўшқира кетди.

— Умрингда цемент қуйганмисанлар, ўзи? Бутун ҳовлига етадиган цементни ўн метр пиртувалга ишлатиб бўпсанларку! Цементнинг маркасини билмайсанларми, а? Ахир, бу олий нав цемент-ку! Тоннаси палон пул туради. Ҳе, пули куймаган, бели оғиримаганлар! Тўлайсанлар энди!

Юрагим "шуув" этиб кетди. "Ана холос, пишди гилос! Мана сенга бир кунингга ўн беш сўм! Мана сенга Хонзода-ю, Дилшодани кинога олиб бориш. Вой, ярамас, "Малла"ей, ҳеч балони билмас экансан "уста" бўп нима қилардинг! Тағин элдан бурун жуфтакни ростлагани-чи..."

Шофёр пиртувалнинг у ёқ-бу ёғини чамалаб жиғибийрон бўлиб турганда секин-секин тисарилиб илгакдаги тоза кийимларни қўлтиққа урганча чала битган уйнинг деразасидан тап-тап ташлаб дала томон қочиб қолдик.

Бир пайт дарё бўйидан чиқиб қолибмиз. Ортимизга қарасак маҳалла кўринмайди. Ювиндик, кийимларни алмаштирдик. Ҳолдан тойганимиздан қўлтиқдаги эски кийимлар ҳам тошдек оғир туюлади. Қорин ҳам ўлгудек оч. Пардага рўпарамиздаги узумзорни кўрсатдим. У ҳам зўрға турган экан. Оғзимиз қулоғимизда эндигина узумхўрликни бошлагандик, аввал итнинг овози эшитилди, кейин ўзи кўринди. Коп-қора баҳайбат ит дунёни бузгудек бўлиб, биз томон чопиб келарди. Шундай қочибмизки, бир вақт ҳалқа йўлда турибмиз. Узокдан институтимизнинг баланд биноси шундоқ кўзга ташланиб турарди.

Қош қорайганда судралиб ётоққа кириб келдик. Боплаб ўч олайлик, десак, Карим хонасини ичкаридан қулфлаб олибди. Қанча тақиллатсак ҳам очмади. Баттар хунобимиз ошди. "Мана сенга пешона тери билан пул топиш... "Малла"га қўшилиб "пиртувал"га бориш... Уни-ку кимлиги маълум-а, лекин бу "сифати улуғ" кўк цементнинг маркаси қанақа экан-а?.."

Адҳам ДАМИН

ҲАНГОМАЛАР

ИЧИ «ҚОРА»

Ёзги таътилдан қайтгач, бир-биримизда бўлган ўзгаришларни айта бошладик.

— Фарҳод, оз-моз қорайибсизми? — деди бир қизимиз.

— Одамнинг ичидаги қораси, ташқарисига ҳам чиқиши мумкин,-деб қўшиб қўйдим.

«СУЮҚ ОЁҚ»

Дўстим туфлисини менинг кремим билан ёғламоқда эди. Кун иссиқлигидан мой оз-моз суюлган экан.

— Нега суюлибди? — деб сўради у.

— Суюқ оёғингизга суюқ мой яхши-да, - дедим кулиб.

КИМГА ЯРАШАДИ?

Атрофдагиларга халал бермаслик учун паст овозда гаплашаётган икки дўстимизнинг ҳолатини кўриб, ғийбатчироқ бир курсдошим ўзига ўхшатди, шекилли, уларнинг бирига қараб:

— Ғийбат қилиш сизга ярашмайди, - деганди,

— Биламиз, фақат сизга ярашади, - деди унга жавобан.

СИЗ МАҚТАНЧОҚРОҚСИЗ

Бир дўстимиз иккинчисига "сиз мақтончоқроқсиз", дегандай гап қилди. У бўлса оғзини тўлдириб:

— Нима деяпсиз? Худо менга кўп нарсани берган, лекин шу томондан "қисган". Ҳеч мақтанолмайман. Бўлмасам, илмим жойида, хоҳлаган соҳангиздан, сўраган нарсангизга жавоб бераман, муомалани ҳам қойиллатиб қўяман. Баъзиларга ўхшаб беғам эмасман, ўзимни ўзим бошқараман. Қорним тўқ, устим бут. Ота-онам айтган нарсамни муҳайё қилади. Лекин... шу мақтанишни ҳам ўрганишим керак экан-да.

Биз бир-биримизга маъноли қараб қўйдик.

Хуршид ҲАСАН

Ёши катта кишиларнинг талабалик даври ҳақидаги суҳбати ўз-ўзидан севги саргузаштларидан бошланиб кетади. Бу бежиз эмас экан. Яқинда ётоқхонада яшайдиган таниш ўртоғимнинг ёнига борганимда бунга яна бир карра амин бўлдим. Хонага кирар эканман, саранжом-сарištаликни кўриб қойил қолдим.Жавондаги китобларнинг тартиб билан терилганлигидан кўз қувонади.

Ҳеч қанча вақт ўтмай, хонага бир қиз кириб келди. Зумда дастурхонга овқат тортилди. Сўраб билсам, бу меҳмондўст қиз ўртоғимнинг ҳамхонасига тегишли экан, яъни севгилиси экан. Ўртоғимнинг айтишича, хонанинг тозалиги, кунлик овқат тайёрлаш, ҳатто кирларни ювиб, дазмоллаш ҳам шу оқила қиз зиммасида экан. Бундан ташқари, реферат, курс иши каби ёзишларни ҳам шу қиз эплар экан. Кейинчалик турмуш қуришса, ҳаётда қийналмайди. Сўзимни тўлалигича гапирмай туриб, ўртоғим оғзимдагини ёқамга ёпиштириб қўя қолди. Бу гапинг ҳам тўғрику, аммо айримларнинг севгиси фақат ўқишни тугатгунча. Талабаликдаги севгининг келажаги ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Аслида севгилар ичида "студентча"сига етадигани йўқ. Байрамларда бироз харажат қилишни ҳисобга олмаганда, давр бизники. Ҳақиқий севгида висол бўлмайди. Шу томондан баҳоласак, талабалар орасидаги севги чин муҳаббатдир.

Хуллас, "студентча" севги шунақа. Бундай севгининг таъмини "таътиб" кўрмасанг, талабалигинг бекор. Унинг олтинлиги қолмайди. Ўртоғимнинг гапларини эшитиб, ажабландим. Тўғри, беш қўл баробар эмас. Лекин бундай севгига йўлиққан қизларга раҳмим келди. Агар улар ҳам талабаликнинг олтин даври шу, деб ўйлашаётган бўлса, хато қилади. Бизнинг қизларга "севги-севги" деган ўйин хос эмас. Севсинлар, фақат Раънодай мардона, Кумушдай пинҳона. Шундагина уларнинг севгиси боқий бўлади.

Комил ЁРМАТОВ, талаба

БОШҚОТИРМА

Энига: 7.Ип йигириш қурилмаси. 8.Ҳиндистондаги шаҳарга номдош газлама. 11.Хонадонларга ин қуриб, файз келтирувчи қуш. 12.Россия футбол жамоаси. 14.Хамирли таом. 15.Вилоятлардан бири. 16.Қадимий ўқотар қурол. 19.Фотоаппарат русуми. 20.Тўтиқуш тури. 21.Мамлакатимиздаги қўшма корхона. 24.Адабий жанр. 25.Америка кино ижодкорлари мукофоти. 29.Ҳинд актрисаси. 30.Шоҳмот доналаридан бирининг форсча аталиши. 31.Умрбоқий дарахт. 36.Ирокдаги шаҳар. 37.Исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. 38.Белгини билдирувчи сўзлар туркуми. 41.Ҳисор тоғ тизмасининг тармоғи. 42.Мамлакатимиздаги қўриқхона. 43.Минерал, бинокорлик материали. 44.Қушқнинг такрорланадиган қисми.

Бўйига: 1.Тўғри бурчакли учбурчак ҳақидаги теоремани яратган юнон математиги. 2.Осиёдаги давлат. 3.Шеърий асарнинг бир қатори. 4.Абдулла Қаҳҳор асари. 5.Машрабнинг асл исми. 6.Биринчи ўзбек генерали. 9.Оғирлик ўлчови бирлиги. 10.Қардош миллат. 13.Зардуштийликда қуёш худоси. 17.Ўзбекистон Республикасининг олий нишонларидан бири. 18.Гоголь қаламига мансуб асар. 22.Ўрта асрларда туркий халқлар эътиқод қилган динлардан бири. 23.Юз йиллик давр. 26.Оптик асбоб. 27.Дуккаклилар оиласига мансуб донли ўсимлик. 28.Машҳур қозоқ полвони. 32.Республика ёшларининг ижтимоий ҳаракати. 33.Ҳурмат, иззат. 34.Ёғин тури. 35.Роҳат. 39.Диний китоб. 40.Қирғиз халқ эпоси.



Тузувчи: Фаррух ЭРМАТОВ

Ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш бошқармаси томонидан Мирзаахмедов Мирзааброр Мирзаҳакимович номига КН -7-73 (2000 йил) берилган Кадастр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный гос.ордер № 09-01/761 от 16 январь 1993 г. Права собственности Маназаровой Матлубы на квартиру считать **НЕ ДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

СП "Сингапур — Самарқанд" настоящим извещает об уменшении уставного фонда.

Утерянный гос.ордер №06-02/5384 от 14.01.1993 г. Права собственности Новиковой Елены Валентиновны на квартиру считать **НЕ ДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

«Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси Қибрай тумани бўлимига тегишли № 057578 дан 057600 рақамгача бўлган чек дафтарчаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Бектемир туман 291-ўрта мактаб томонидан 1994 йил 8 июнда Атабаев Баҳром Баҳодирович номига А№ 515183 рақамли 9-синфни битирганлиги ҳақида берилган шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный гос.ордер № 03-02/666 от 10.12.1992 г. Права собственности Бабаева Бахтияра Мамарасуловича на квартиру считать **НЕ ДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Саҳифани Феруза ҚУВОНОВА, Гулистон СОДИҚОВА тайёрлади.

Turkiston
МУАССИС: «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ

Газета Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитасида № 00012 рақам билан рўйхатдан ўтган.

Босишга топшириш вақти-21.00
Топширилди 21.00

1 2 3 4 5 6

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2.

Бош муҳаррир: Салим АШУРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ, Комил ЮСУПОВ, Аслиддин БОЛИЕВ, Юсуф ЖЎРАЕВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир МАХСИТОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Ислом ҲАМРО, Ғайрат ШОУМАРОВ, Авазхон СОДИҚОВ, Насриддин МУҲАММАДИЕВ, Шоазим МИНОВАРОВ, Ғаффор ҲОТАМОВ, Абдуғани ЖУМАЕВ

Вилоят мухбирлари:
Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича — Термизда: 8-37-622 —3-53-88
Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича — Бухорода: 8-36-52 — 23-37-44
Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари бўйича — Гулистонда: 8-36-72 — 24-02-86
Фарғона, Андижон вилоятлари бўйича — Фарғонада: 8-37-32 — 24-54-61
Самарқанд вилояти бўйича — Самарқандда: 8-36-62 —34-43-89
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича — Урганчда: 8-362-22 — 7-45-
Наманган вилояти бўйича — Наманганда: 8-36-922 — 6-10-70

Манзилимиз: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: 133-95-97, Реклама бўлими: (3712) 133-79-69

Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Буюртма Г. — 31 10. Адади-8428

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Навбатчи муҳаррир: Хуршид РЎЗИЕВ
Саҳифаловчи: Нодирбек ОРТИҚОВ